

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 331.5.07 (575.14)

ШАМСИЕВ РАУФ РАВШАНОВИЧ

**МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТ МУҲИТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

**5A230108 – “Монополияга қарши бошқарув ва рақобатни
ривожлантириш”**

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
И.ф.д., проф. Ш.Н.Зайнутдинов

ТОШКЕНТ-2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. Монополияга қарши бошқарувнинг назарий-услубий асослари	9
1. Монополияга қарши бошқарувнинг объектив зарурлиги.....	9
2. Монополияга қарши бошқарувнинг илмий-назарий асослари.....	15
3. Давлат томонидан монополияга қарши бошқарувни тартибга солишни аҳамияти.....	25
Биринчи боб бўйича хулоса.....	31
II-БОБ. Ўзбекистонда рақобат муҳитини ривожлантириш тизими ва уни тартибга солиш амалиёти таҳлили.....	32
2.1. Монополияга қарши бошқарув фаолиятини шакллантириш босқичлари таҳлили.....	32
2.2. Ўзбекистонда рақобат муҳитини амалдаги ҳолати таҳлили.....	38
2.3. Монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш амалиёти таҳлили..	44
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	56
III-БОБ. Миллий иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлашнинг устувор йўналишлари.....	57
3.1. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашдаги муаммолар.....	57
3.2. Монополияга қарши бошқарувни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштиришда хориж тажрибаси.....	64
3.3. Давлат томонидан монополияга қарши бошқарувни тартибга солишнинг устувор йўналишлари.....	72
Учинчи боб бўйича хулоса.....	83
Хулоса ва таклифлар.....	84
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	89

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ўзбекистонда монополиядан чиқариш ва рақобат муҳитини ривожлантириш тизими ва уни тартибга солиш амалиётининг асосий мақсади тадбиркорлик фаолиятида бизнес муҳитини яратиш, рақобат сиёсатини олиб бориш билан белгиланади. Шу билан бирга рақобат муҳитини ривожлантириш тизимини тўғри йўлга қўйилиши мамлакатда инвестицион муҳитни янада жозибадор бўлишига шароит яратади.

Хусусий мулкчилик, жумладан турли мулк эгаларининг улушларидан ташкил топган акциядорлик жамиятлари ҳам рақобат муҳитини яратилиши натижасида иқтисодий самарадорлигини оширишга ҳаракат қилади.

Бу борада давлатнинг монополияга қарши бошқарув тизимини тартибга солиш мақсадида қабул қилган “Рақобат тўғрисида”ги қонуни асосий ҳуқуқий ҳужжатлардан биридир. Мазкур қонунда инвестор томонидан хўжалик юритувчи субъектлари акциялари улушларининг 35 фоиздан ортиғини олиш учун бундай битим тузилганига қадар монополияга қарши давлат органининг олдиндан олинган розилиги бўлиши керак бўлади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган монополияга қарши бошқарувни давлат томонидан тартибга солиш борасидаги иқтисодий ислохотларнинг муҳим жиҳатлари – бу бозор иқтисодиётининг энг асосий элементларидан ҳисобланган рақобат муҳитини ривожлантириш, монопол ва устун мавқега эга хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулотлари ва хизматларининг сифати ҳамда кафолатини кучайтириш, уларнинг нархлари (тарифлари) муқобиллигини таъминлаш, истеъмолчиларнинг харид талабини қондириш орқали макроиқтисодий кўрсаткичларни оширишга қаратилганлигидан иборатдир. Бу эса, давлат томонидан монопол мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини таркибий ўзгартириш ва соғлом рақобат муҳитини яратишга йўналтирилган комплекс тадбирларнинг амалга оширилиши ва албатта қонунчиликни такомиллаштиришни тақазо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 18 ноябрда Парламент палаталари қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” номли маърузаси вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган “Рақобат тўғрисида”ги қонун айни шу монополияга қарши бошқарувни давлат томонидан тартибга солиш борасидаги муҳим аҳамиятга ҳуқуқий ҳужжатлардан биридир.

2012 йил январда қабул қилинган “Рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг асосий мақсади товар ва молия бозорларидаги рақобатга доир муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Мамлакатимизда давлат томонидан монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш ва такомиллаштириш нафақат иқтисодий-ижтимоий, балки институционал ривожланиш хусусиятига ҳам эга. Институционал ривожланиш эса, бозор иқтисодиётига ўтиш ва унга мос келувчи бозор иқтисодиётининг энг асосий элементларидан ҳисобланган рақобатни ривожлантириш, рақобат муносабатларни муваффақиятли шакллантиришнинг асосий омилларидан биридир.

Шунингдек, янги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, уларнинг самарали фаолиятини таъминлашда мазкур субъектлар фаолиятининг таркиби ва чегараларини белгилаб берадиган, уларнинг бошқа субъектлар билан муносабатларига аниқлик киритадиган, рақобат сиёсатини амалга оширадиган институционал асосларни шакллантириш ҳамда бозор талабларига мувофиқ такомиллаштиришнинг аҳамияти катта. Бу масала давлат томонидан монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш ҳамда рақобат муҳитини шаклланиши учун ҳам долзарб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Давлат томонидан самарали рақобат сиёсатини амалга оширилиши натижасида республика иқтисодиётида монополлашган товар ва хизматлар бозорлари сони сезиларли даражада қисқарди. Эришилган натижалар товар ва хизматлар бозорларида эркин рақобатлашадиган ва охир-оқибатда соғлом рақобат муҳитини шакллантирадиган янги хўжалик ва

тадбиркорлик субъектларини пайдо бўлишида намоён бўлмоқда. Монопол корхоналарнинг сони сезиларли қисқарган, айниқса истеъмол бозорида. Сўнгги 15 йил мобайнида олиб борилган монополияга қарши сиёсат натижасида, монополист корхоналар сони 828 тадан 178 тагача камайди. Монопол маҳсулотлар сони эса 5186 тадан 157 тагача қисқарди.

Ҳозирда мамлакатимизда монополияга қарши бошқарув тизимини такомиллаштириш, монополияга қарши бошқарувнинг иқтисодий механизмларини баҳолаш, миллий корхоналарда рақобат, рақобатбардошлик масалалари мамлакатимиз олимлари томонидан кам тадқиқ қилинган. Шу туфайли ишнинг асосий мақсади қилиб олдик. Мазкур мавзунинг бир томондан ўта долзарблиги ва иккинчи томондан кам ўрганилганлиги мазкур мавзуни танлашга асос бўлди.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. Тадқиқот ишининг объекти бўлиб Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган “ТашРостекстиль” қўшма корхонаси ва унинг иқтисодий фаолияти ҳисобланади. Тадқиқот предмети бўлиб, Ўзбекистон Республикасида монополиядан чиқариш тизимини такомиллаштириш, корхоналарда рақобат муҳитини таъминлаш ва мамлакатимизда рақобатни ривожлантиришнинг ички имкониятларини топиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий жараёнлар ҳамда уларни баҳолаш усуллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Ўзбекистонда давлатнинг монополияга қарши бошқарув сиёсати ва уни ривожлантириш ҳолатини илмий тадқиқ этиш, макро ва микро кўламда рақобат муҳитини ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишнинг назарий жиҳатларини ёритиш ҳисобланади. Шу билан бирга Ўзбекистонда рақобат муҳитини ривожлантириш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган назарий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уни амалиётга тадбиқ этиш асосларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари мавзунинг долзарблиги ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни ўз ичига олади:

- монополияга қарши бошқарувнинг илмий-назарий асосларини ўрганиш;

- давлат томонидан монополияга қарши бошқарувни тартибга солишни механизмларини белгилаш;

- Ўзбекистонда рақобат муҳитини ривожлантириш билан боғлиқ жараёнларни таҳлил қилиш;

- миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашдаги муаммолар бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

- давлат томонидан рақобат муҳитини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари: Тадқиқотнинг асосий масалалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- давлат томонидан монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш тизимини баҳолаш;

- Ўзбекистонда рақобат муҳитини шакллантириш босқичлари;

- миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашдаги муаммоларни тизимлаштирилганлиги;

- давлат томонидан монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини илмий асослаш. Тадқиқот фаразлари давлат томонидан монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш, иқтисодиётда рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, монопол корхоналари фаолиятини назорат қилишни кучайтириш ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш, бозор субъектининг хўжалик фаолиятини юритишига таъсир кўрсатиш йўли билан товар бозорларининг монополлашувига ва рақобатни чеклашга йўл қўймаслик ҳамда ушбу соҳадаги муносабатларни тўлароқ ҳисобга олиш имконини беради.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Ўзбекистонда монополиядан чиқариш ва рақобат муҳитини ривожлантириш муаммоларини

тадқиқ этиш ва чуқур ўрганишда Ўзбекистонлик олимлар С.Ғуломов, Б.Ходиев, А.Бекмуродов, Г.Каримова, Г.Саидова, Р.Шодиев Г.Назарова, Н.Сирожиддинов, Россия олимларидан Антощенко А.В¹., Бабашкина А.М²., Бадалов Л.М³., Ворожейкин В.Н⁴., Рыбаков Ф.Ф., Качалин В.В., монополияга қарши бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг назарий жиҳатдан ёритишда хорижий иқтисодчи олимлар Лернер А., Ойкен В., Портер М., Робинсон Дж., Самуэльсон С., Хайек Ф., Чемберлин Э., Шумпетер Й. ларнинг ишларидан фойдаланилди.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.
Тадқиқотда мантикий ва қиёсий таҳлил, илмий абстракция, тизимли таҳлил, монографик кузатиш, илмий мушоҳада, статистик гуруҳлаш ҳамда график усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.
Тадқиқотнинг натижалари, илмий-услубий хулосалари ва амалий таклифлари Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг вилоят ҳудудий бошқармаларида рақобат муҳитини ривожлантириш тизимини такомиллаштиришнинг назарий жиҳатларини маълум даражада бойитишга ҳисса қўшиши мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- монополияга қарши бошқарувнинг илмий-назарий асосларига турли олимларнинг ёндашувлари ўрганилди;
- давлат томонидан монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш йўналишлари назарий жиҳатдан асосланган;

¹ Антощенко А.В. Государственная антимонопольная политика. -М.2009,

² Бабашкина А.М. Государственное регулирование национальной экономики. Учебное пособие. // М.: Финансы и статистика, 2007.-с. 12.,

³ Бадалов Л.М. Антимонопольное регулирование национальной экономики. Учебное пособие.//М. Рос.экон.акад., 2010,

⁴ Ворожейкин В.Н. Демонполизация экономики как элемент рыночных отношений, 2008.-с.78, Рыбаков Ф.Ф. Антимонопольное регулирование: федеральный и региональный аспекты. СПб., 2006., Качалин В.В. . Система антимонопольной защиты общества в США. М.: Наука, 2007.-с.271.

- давлатнинг монополияга қарши бошқарув тизими ва уни тартибга солиш амалиёти таҳлил этилди;
- рақобат муҳитини таъминлашдаги муаммолар тизимлаштирилди;
- давлат томонидан рақобат муҳитини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси ўрганилди ва таклифлар ишлаб чиқилди;
- рақобат муҳитини ривожлантиришни устувор йўналишлари илмий жихатдан асослаб берилди.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шунингдек, 10 та жадвал, 4 та расмни ўз ичига олган, умумий ҳажми 94 бет.

I БОБ. Монополияга қарши бошқарувнинг илмий-назарий асослари

1. Монополияга қарши бошқарувнинг объектив зарурлиги

Мамлакатимизда олиб борилаётган монополияга қарши бошқарувни давлат томонидан тартибга солиш борасидаги иқтисодий ислохотларнинг муҳим жиҳатлари – бу бозор иқтисодиётининг энг асосий элементларидан ҳисобланган рақобатни ривожлантириш, монопол ва устун мавқега эга хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулотлари ва хизматларининг сифати ҳамда кафолатини кучайтириш, уларнинг нархлари (тарифлари) муқобиллигини таъминлаш, истеъмолчиларнинг харид талабини қондириш орқали макроиқтисодий кўрсаткичларни оширишга қаратилганлигидан иборатдир. Бу эса, давлат томонидан монопол мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини таркибий ўзгартириш ва соғлом рақобат муҳитини яратишга йўналтирилган комплекс тадбирларнинг амалга оширилиши ва албатта қонунчиликни такомиллаштиришни тақазо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 18 ноябрда Парламент палаталари қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” номли маърузаси вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган “Рақобат тўғрисида”ги қонун айти шу монополияга қарши бошқарувни давлат томонидан тартибга солиш борасидаги муҳим аҳамиятга ҳуқуқий ҳужжатлардан биридир.

2012 йил январда қабул қилинган “Рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг асосий мақсади товар ва молия бозорларидаги рақобатга доир муносабатларни тартибга солишдан иборат. Чунки, мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти шу билан изоҳланадики, унда товар ва молия бозорларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатга қарши ҳаракатларини, инсофсиз рақобатни чеклашга ҳамда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ғайриқонуний ҳаракатларига йўл қўймасликка қаратилган рақобатга доир давлат сиёсатини амалга оширувчи

ваколатли орган белгиланган. Қонунда рақобатга қарши ҳаракатларни тақиқлашнинг ҳуқуқий нормалари белгиланган бўлиб, бунда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг устун мавқеини суистеъмол қилиш, рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимларини тузиш, шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатлари (ҳаракатлари) ҳамда инсофсиз рақобат тақиқланган.

Бундан ташқари, танлов (тендер) ва биржа савдоларига доир монополияга қарши талаблар, ҳўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, кўшиб юбориш ва бирлаштиришга доир ҳамда акцияларни (улушларни) ва бошқа мулкӣ ҳуқуқларни олишдаги монополияга қарши талаблар киритилиб, ушбу ҳаракатларни амалга оширишда монополияга қарши давлат органининг олдиндан розилигини олиш тартиби белгиланган.

Монополияга қарши органининг ваколатлари, ахборот олиш ҳамда монополияга қарши органга ахборот тақдим этиш, шунингдек мазкур қонун талаблари бузилганлиги учун жарималар солиш ҳамда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақида ишлар кўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш, монополияга қарши органининг қарори ва кўрсатмасини ижро этиш тартиблари қонуннинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади.

“Рақобат тўғрисида”ги қонуннинг ҳаётга татбиқ этилишининг ўзига хос аҳамиятига шундаки, янги қонун товар ва молия бозорларида рақобатга доир муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини ошириш ҳамда қонунчиликдаги мавжуд камчилик, номутаносибликларни, шунингдек, монополияга қарши тартибга солишдаги қарама-қаршиликларни бартараф этишга имкон беради. Шу билан бирга, рақобатни ривожлантириш ва ҳимоя қилиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун қулай бизнес муҳитини яратиш, ҳар хил бюрократик аралашувларни бартараф этиш, эркин бозор иқтисодиёти талаблари ва шартлари бажарилишини таъминлайди.

Бундан ташқари, эркин бозор иқтисодиёти механизмларининг янада самарали ишлашига, истеъмолчилар ва ушбу бозорнинг бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга, товар ва молия бозорларидаги муносабатларнинг янада либераллашувига, товар ва молия бозорларида рақобатга оид таъсирчан давлат сиёсатини амалга ошириш имкониятини яратади.

Айни пайтда товар ва молия бозорларида хўжалик юритувчи субъектларнинг устун мавқеини белгиловчи Низом, товар ва молия бозорларида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрини юритиш тартиби, товар ва молия бозорларида хўжалик юритувчи субъектларининг акцияларини (улушларини) ва бошқа мулкӣ ҳуқуқларини олишда олдиндан монополияга қарши органнинг розилигини олиш тартиби, рақобатни чекловчи битим ва ҳаракатларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда товарнинг монопол юқори ва монопол паст нархларини аниқлаш тартиби каби меъёрий ҳужжатлар тайёрланди.

Мамлакатимизда давлат томонидан монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш ва такомиллаштириш нафақат иқтисодий-ижтимоий, балки институционал ривожланиш хусусиятига ҳам эга. Институционал ривожланиш эса, бозор иқтисодиётига ўтиш ва унга мос келувчи бозор иқтисодиётининг энг асосий элементларидан ҳисобланган рақобатни ривожлантириш, рақобат муносабатларни муваффақиятли шакллантиришнинг асосий омилларидан биридир.

Шунингдек, янги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, уларнинг самарали фаолиятини таъминлашда мазкур субъектлар фаолиятининг таркиби ва чегараларини белгилаб берадиган, уларнинг бошқа субъектлар билан муносабатларига аниқлик киритадиган, рақобат сиёсатини амалга оширадиган институционал асосларни шакллантириш ҳамда бозор талабларига мувофиқ такомиллаштиришнинг аҳамияти катта. Бу масала

давлат томонидан монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш учун ҳам долзарб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Давлат томонидан самарали рақобат сиёсатини амалга оширилиши натижасида республика иқтисодиётида монополлашган товар ва хизматлар бозорлари сони сезиларли даражада қисқарди. Эришилган натижалар товар ва хизматлар бозорларида эркин рақобатлашадиган ва охиروқибатда соғлом рақобат муҳитини шакллантирадиган янги хўжалик ва тадбиркорлик субъектларини пайдо бўлишида намоён бўлмоқда. Монопол корхоналарнинг сони сезиларли қисқарган, айниқса истеъмол бозорида. Сўнгги 15 йил мобайнида олиб борилган монополияга қарши сиёсат натижасида, монополист корхоналар сони 828 тадан 178 тагача камайди. Монопол маҳсулотлар сони эса 5186 тадан 157 тагача қисқарди.

Монопол маҳсулот ва хизматларнинг республика ялпи ички маҳсулотдаги улуши 20 фоизгача пасайди. Аввал йирик монополия ҳисобланган соҳаларда, яъни қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларида ичимликлар, шарбатлар, нон ва нон маҳсулотлари, гўшт-сут маҳсулотлари, қандолатчилик маҳсулотлари, алоҳида олинган ноозиқ-овқат маҳсулотлари бозорларида мебель, гилам ва гилам маҳсулотлари ва шунингдек телекоммуникация хизматлари бозорларида соғлом рақобат муҳити шакллантирилди. Шу боис, монополияга қарши сиёсатни тартибга солиш иқтисодиётни модернизациялашнинг устувор йўналиши сифатида тан олинди. Бу борада уларнинг фаолият юритиш самарадорлиги нуқтаи назаридан асосий омиллар сифатида мулкчилик, жавобгарлик, рақобат, монополияга қарши бошқарув ва шартнома институтлари катта роль ўйнайди.

Мулкчилик ҳуқуқи иқтисодий назариясидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, агар трансакция харажатлар юқори ва мулкый ҳуқуқлар аниқ мустаҳкамланмаган бўлса, ишлаб чиқариш таркиби ва самарадорлиги сезиларли равишда мулкый ҳуқуқларнинг тақсимланишига боғлиқ бўлади.

Жавобгарлик институти тадбиркорлик фаолиятини ташкиллаштиришда муҳим бошқарувчилик вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, тадбиркор билан муносабатга киришувчи субъектлар (кредиторлар, таъминотчилар ва шу кабилар) хўжалик юритиш бўйича тадбиркор томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган ўзига хос хатти-ҳаракатларга маълум даражада комил ишончи бўлиши лозим. Шундан келиб чиқиб, жавобгарлик масаласи бошқарув қарорларини қабул қилинишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бозордаги ҳолат ҳам буни тасдиқлайди. Маълум ресурсни сотиб олиш ёки кредит олишга қаратилган тадбиркорлик фаолияти миқёси бозорда тадбиркорнинг кредиторлар олдидаги жавобгарлигини таъминлаш имконини берувчи мулк миқдорига яраша амалга оширилиши мумкин.

Демак, жавобгарлик тадбиркорлик эркинлигини рўёбга чиқишига кўмаклашади ва айти пайтда қабул қилинган ҳар бир қарор натижаси учун индивидуал тарзда жавоб берилиши лозимлигини ўрнатади.

Шундай қилиб, тадбиркорлик ва хўжалик юритиш эркинлиги амалда жавобгар бўлишга тайёрликдан келиб чиқади ва ушбу сабабий боғлиқлик остида тадбиркорлик жавобгарлигининг икки хил ваколат доираси – жавобгарликни ўташ мажбурияти ҳамда бошқариш ҳуқуқи ётади.

Рақобат институти бозорнинг самарали ривожланиши учун энг асосий омиллардан ҳисобланади. Умумий ҳолда бозор механизмини таклифнинг талабга қараб ўзгариши, мослашиши сифатида қараш мумкин. Унинг мазмуни тажриба ва хатолар йўли билан нархнинг умумий мувозанатига, ишлаб чиқарилаётган ва талаб қилинаётган маҳсулот балансига томон ҳаракат қилишдан иборат.

Эркинлик ва рақобат бир бирини тўлдиради ва ўзаро боғлиқдир. Иқтисодий эркинлик кафолати бўлган рақобатнинг ўзи ана шу эркинлик бағрида вужудга келади. Шунинг учун рақобат тамойилларига суянувчи ижтимоий бозор хўжалиги, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва хўжалик фаолияти эркинлигини кафолатлайди.

Эркин тадбиркорлик хўжаликни рақобат механизми ёрдамида бошқариш асосидир. Тадбиркорлик иқтисодий чекловлар ва маъмурий сиқувлар остига олинган тақдирда монополияга қарши ва рақобатни рағбатлантиришга қаратилган бошқа ҳаракатлар ҳеч бир самара бермайди.

Шартнома институти ҳам хўжалик юритишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни ўрганишнинг энг асосий муаммоларидан бири, корхона трансакция харажатларини мақсадга мувофиқлигини таъминлаш ҳисобланади. Чунки ҳозирги замонда трансакция харажатларнинг асосий қисми айнан ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқдир.

Тадбиркорнинг, шу жумладан, хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг трансакция харажатлари ҳажми давлат томонидан у ёки бу ҳуқуқий меъёрларни кучга киритиш, уларни соддалаштириш, шартномаларни расмийлаштириш йўли билан кўпайтирилиши ёки қисқартирилиши мумкин. Шу билан бирга, тарбиркорларга баъзи тортишувли масалаларни учинчи тараф, яъни суд орқали ҳал этиш имконияти берилиши ҳамда мулкӣ ҳуқуқлар билан алмашувни амалга ошириш устидан назоратни молиялаштириш тадбиркорлар зиммасига юкланиши мумкин (шартномаларни нотариал тасдиқлатиш).

Шундай қилиб, шартнома институтини ўзгартиришда асосий хўжалик юритиш эркинликларини бузмаслик тамойилига амал қилиш катта аҳамият касб этади. Масалан, Германияда ушбу эркинликларга шартнома эркинлиги, коалициялар эркинлиги ва ҳоказолар киради ҳамда шартнома тузишда томонларнинг ҳеч бирига тазйиқ ўтказиш тақиқланади, лекин шартнома имзоланган тақдирда унинг бажарилиши муқаррар.

Хулоса қилиб айтганда, институционализм назарияси кўп жиҳатдан тадбиркорлик қарорлари қабул қилинадиган соҳа ва хўжалик фаолияти амалга оширилаётган институционал муҳит муаммолар доирасини таҳлил қилади, монополиятик фаолиятни чеклайди, рақобат муҳитини шакллантиради ва хўжалик юритишнинг институционал асосларини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Бозор институт сифатида индивидлар томонидан ўзаро иқтисодий муносабатларни амалга оширишда ишлатиладиган меъёрлар йиғиндисига асосланади. Ҳар қандай хўжалик юритиш шаклининг самарали фаолият юритишига ушбу меъёрларнинг таъсири катта бўлади. Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида ана шу меъёрлар узил-кесил шаклланмаганлиги боис субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар, келишувлар билан боғлиқ харажатлар келиб чиқади. Бу харажатлар ишлаб чиқариш харажатларидан фарқли равишда трансакция харажатлар, деб аталади ва хўжалик юритиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу таъсирни пасайтириш хўжалик юритишнинг меъёр ва қоидаларини оқилона, муфассал аниқланишини тақозо этади.

Шунингдек, мулкчилик, рақобат, монополияга қарши бошқарувни амалга оширадиган, жавобгарлик ва шартнома институтларининг хўжалик юритишнинг самарали механизмини шакллантиришда алоҳида ўрин эгалайди. Мулккий ҳуқуқларни тўлиқ тақсимлаш орқали хўжалик юритиш субъектларининг ўзаро муносабатлардаги ноаниқликни камайтириш ва ресурслардан самарали фойдаланишга замин яратилади.

Рақобат муҳитини шакллантириш бозордаги талаб ва таклиф мувозанатига эришишнинг, жавобгарлик институтини мукаммаллаштириш эса тадбиркорлик эркинлигини таъминлашнинг асосий воситасидир. Шартнома институти хўжалик юритиш механизмида субъектлараро иқтисодий муносабатларни рўёбга чиқариш воситаси бўлиб хизмат қилади.

2. Монополияга қарши бошқарувнинг илмий-назарий асослари

Монополияга қарши бошқарувнинг илмий-назарий асосларини ўрганишда асосан рақобат ва унга боғлиқ омилларни кўришимиз мумкин. Хориж адабиётларида монополияга қарши бошқарувнинг илмий-назарий асосларини илмий тадқиқ этишда олимлар, мутахассислар томонидан рақобат ва рақобатбардошлик тушунчалари, уни бошқариш ва

ҳаракатлантирувчи кучлар, монополияга қарши давлатнинг бошқарув дастаклари ҳақида тўхталиб ўтишган. Бироқ рақобат кураши ва уни ҳаракатлантирувчи кучлар, монополияга қарши бошқарув механизмлари ҳақида дастлабки тўлақонли назарий қоидалар фақат XVIII асрнинг ўрталарига келиб пайдо бўлган. Бунда классик сиёсий иқтисод вакиллари саналган А.Смит ва Д.Рикардонинг хизматлари каттадир. Кейинги даврларда А.Маршалл, Дж.Кейнс, В.Леонтьев, Й.Шумпетер, П.Сраффа, М.Портер ва бошқаларнинг меҳнатлари туфайли рақобат назарияси янада ривож топди. Рақобат моҳиятига тўхталар эканмиз, уни асосан уч хил ёндашувга бўлиш мумкин. Жумладан, ҳуқ-атвор ёндашуви, структурали ёндашув ва функционал ёндашув.

Рақобатнинг ҳуқ-атвор ёндашувига А.Смитнинг қарашларини киритиши мумкин. У рақобатни бозор субъектлари ўртасида товарлар харид қилиш ва сотиш борасида қулайроқ шароитлар учун олиб бориладиган, тўғри, ҳалол, тил бириктиришларсиз кураш, мусобақа билан боғлаган. У рақобат курашининг асосий усули деб нарх ўзгаришларини билган. Бунда у жамоа иродаси (ихтиёри) билан бошқарилмайдиган, умумий мўлжалларга эга бўлмаган бозорда қатъий ҳуқ-атвор қоидаларига амал қилишини қайд этган.

Демак, рақобат – бозор қатнашчилари фаолиятини мувофиқлаштирувчи айнан ўша «кўринмас қўл»дир.

Структурали ёндашувда асосий эътибор рақобатчиларнинг ўзаро билан курашидан бозор структураси, унда ҳукмронлик қилувчи шарт-шароитлар таҳлилига кўчиб ўтади. Масалан, К.Р. Макконнелл ва С.Л. Брюнинг асарларида айтиб ўтилишича, рақобат бозорда кўп сонли мустақил харидор ва сотувчилар мавжудлиги, харидор ва сотувчилар учун бозорга эркин кириш ва ундан чиқиш имкониятидир.

Рақобат моҳиятини аниқлашга учинчи ёндашувни функционал ёндашув сифатида тавсифлаш мумкин. У рақобатнинг иқтисодиётда ўйнайдиган ролини кўриб чиқади. Хусусан, Й.Шумпетер иқтисодий ривожланиш назарияси доирасида рақобатни эскиликнинг янгилик билан рақиблик

кураши сифатида таърифлаган. Янгиликлар киритиш бозор томонидан шубҳа билан қабул қилинади, бироқ агар новатор уларни амалга оширишнинг уддасидан чиқса, рақобат механизми эскирган технологиялардан фойдаланувчи корхоналарни бозордан сиқиб чиқаради.

Рақобат назарияси Д.Рикардо, М.Портер, Ф.Котлер ва бошқа олимлар томонидан асосланган. Назарий жиҳатдан қаралганда барқарор рақобатбардошликни таъминлаш фойда олишни ошириш йўлидир. Рақобат ва рақобатбардошлик масалалари ўта муҳим бўлса-да, Ўзбекистон корхоналарини бошқариш бўйича мукамал ва ҳар томонлама ишлаб чиқилганича йўқ. Бу тушунчаларнинг мазмуни ҳақида ҳам олимлар аниқ бир тўхтамга келишмаган. Чунончи, айрим иқтисодчилар ”товарлар рақобатбардошлиги” деганда уларнинг истеъмол қиймати билан боғлиқ бўлган барча унсурларни тушунсалар, бошқалари фирмаларнинг, ҳар қандай ишлаб чиқарувчининг товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича имкониятлари мажмуини тушунадилар.

Дарҳақиқат, ”товарлар рақобатбардошлиги” тушунчаси кенг қиррали бўлиб, фирма ва корхоналарнинг барча имкониятларинигина эмас, балки товар баҳоси, реклама ва сотиш каби имкониятларини ҳам ифодалайди. Бироқ, бизнинг фикримизча, ”рақобат”, ”рақобатбардошлик” тушунчалари барқарор истеъмолчиларсиз маъносиз бўлиб қолаверади. Шундай экан, юқорида келтирилган таърифларга истеъмолчиларнинг диди, харид имкониятлари, кайфияти, ҳуқ-атвори, эстетик кўрсаткичлари каби иборалар ҳам киритилса, бу тушунча янада аниқроқ ва батафсилроқ мазмунга эга бўлган бўлар эди.

Демак, товарлар рақобатбардошлиги биринчи навбатда, бозорда намоён бўлади. Ишлаб чиқарувчилар ўз истеъмолчиси учун курашда рақобат устунлигига эришишга интилишади. Шундай экан, рақобатбардошлик бозор тузилмасига (эркин рақобат, олигополия ёхуд монополия) ҳам таъсир этади.

Рақобатбардошлик устуворлиги ҳақида аксарият иқтисодчилар (С. Гуломов, Э. Акрамов, А. Бекмуродов, Н. Юлдошев ва бошқалар)

қуйидагиларни назарда тутадилар: рақобат йўналиши; рақобат базаси; маҳсулот ва бозор; рақобатчилар.

Менежерлар олдида ”Корхонани бошқариш мезонига нисбатан қайси йўналишда барқарор рақобатли устунликка эришиш мумкин?” – деган савол туради. Рақобатда устуворликнинг учта энг кенг тарқалган тури мавжуд: бозорда устун бўлиш; ресурс ва истеъмолчиларга яқинроқ бўлишга эришиш; муайян ахборотлар тизимида эга бўлиш.

Бозорда устун бўлиш, ўз навбатида, учта омил билан белгиланади: ишлаб чиқарилаётган товарлар миқдорининг ошиш самараси; тажриба тўпланиши самараси; бизнес кенгайиши ёки ҳажмининг самараси.

Бошқарувчилар бу омиллар таъсирини билган ҳолда бозор муносабатлари ва товар рақобатбардошлиги таҳлилини ўтказса бўлади. Маълумки, бозор товар хўжалигининг иқтисодий туркумларидан бири ҳисобланиб, сотувчи ва харидор ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг аниқ тизими билан характерланади ҳамда маҳсулот айирбошлаш жараёнини билдиради. Бозор механизмнинг асосий элементлари талаб, таклиф ва нарх ҳисобланади.

Бозорда товарларга бўлган эҳтиёж талаб шаклида намоён бўлиб, унинг ўлчамлари, асосан, маҳсулот нархи ва истеъмолчилар қобилятига боғлиқ. Товар-пул муомаласи барча эҳтиёжларнинг қондирилишини эмас, балки пул эквиваленти билан таъминланганлик даражасини кўрсатади. Шу туфайли корхонани бошқаришда, албатта, бозор таҳлили ўтказилади.

Бозор таҳлили товар-пул муомаласидаги жараёнларни, талаб ва таклифлар шаклланишига таъсир қилувчи омилларни, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар (сотувчи ва харидор) ўртасидаги иқтисодий муносабатларни аниқлаш ва тўлиқ текшириш мақсадида йўналтирилган ҳаракатлар йиғиндисидан иборат.

Бозор муносабатлари таҳлилининг асосий йўналишларидан бири бозордаги маҳсулотларга бўлган талаб ва таклиф ўртасида мақбул нисбатга эришиладиган шартларни аниқлашдир. Талаб ва таклиф таҳлилида ”Бозор

шароитида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида муносабат қандай амалга ошади?”, ”Талаб ва таклифни истиқболдаги шаклланиш ва ривожланиш жиҳатларини қандай шартлар аниқлайди?» - деган саволларга жавоб олиш имкони яратилади.

Муайян маҳсулотларга нисбатан рақобатбардошлик ва талабни таҳлил қилиш ҳамда баҳолашда истеъмолчилар эҳтиёжини, харид қобилияти, харидорнинг диди, имконияти ва у томонидан маҳсулот танланганда афзал кўриш омилларини аниқлаш, шунингдек, маҳсулотнинг ҳаётий цикли тавсифномасида унга бўлган эҳтиёжнинг ўсиш истиқболларини ўрганиш бирламчи аҳамиятга эга.

Бозор муносабатларида таклифнинг намоён бўлиш шакли пул эквиваленти билан таъминланган эҳтиёж кўринишига эга. Мамлакатда маҳсулот қанча ҳажмда ишлаб чиқарилиши унинг нархи ва аҳоли турмуш шароити яхшиланишида акс этади. Талаб харид қобилияти шаклида намоён бўлади. Лекин унинг айнан ўзи эмас. Харид қобилияти талабнинг фақатгина қисман кўринишидир.

Маҳсулот рақобатбардошлигини оширишда рақобатчи корхона фаолиятини чуқур ўрганиш, унинг бозордаги мавқеини, келажакда қилиши мумкин бўлган барча ҳатти-ҳаракатини олдиндан кўра билиш лозим. Бунинг учун биринчи навбатда фирмалар томонидан муҳолифатлар, яъни, корхоналар ўрганилади. Бошқарувчилар бундай таҳлил амалга оширилганда қуйидагилар ҳақидаги ахборотларни қайта ишлайдилар ва улар асосида қарор қабул қиладилар:

- рақобатчиларнинг бозорда эгаллаган ўрни: ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сотилиш ҳажми; фирманинг мазкур мамлакат ва жаҳон бозоридаги мавқеи бўйича рўйхатда тутган ўрни; рақобатчи фирмаларнинг мазкур бозор умумий савдо айланмаси ҳажмидаги ҳиссаси;

- ҳар бир фирма томонидан чиқарилаётган маҳсулотнинг тавсифи: техник ўлчамлари, нархи, рақобатбардошлик омиллари; товар белгиси (марка)дан фойдаланиш амалиёти; товар ва товар ўрамининг ўзига хос

чиройли ва тартибли томонлари; рақобатчилар томонидан тегишли миқдорда истиқбол учун чиқарилаётган, бозор учун янгилик бўлган товарлар;

- рақобатчи фирмалар томонидан тақдим этиладиган хизмат турлари, тавсифи ва техник хизмат кўрсатишнинг нархи;

- товар ҳаракати амалиёти: рақобатчилар томонидан фойдаланиладиган товарни жойдан-жойга ташиш турлари, уларда мавжуд бўлган омборлар ва товарларни жойлаштириш, сақлаш шартлари, консигнацион савдо учун омборлардан фойдаланиш;

- рақобатчи фирмаларнинг маркетинг фаолияти: ҳар бир рақобатчи фирма томонидан ўтказиладиган стратегия, уларнинг ассортимент сиёсати, илмий – техник фаолиятини янги товарлар ишлаб чиқаришга йўналтириш, ишлаб чиқариш, техник ва сотиш сиёсати, сотишни жадаллаштириш усуллари, нарх сиёсати ва уларнинг ҳаракат суръати, ишлаб чиқариш харажатлари даражаси ва уларни пасайтириш йўллари;

- рақобатчи фирмалар томонидан маҳсулотни харидорга етказиб бериш фаолиятини ташкил қилиш: маҳсулот сотиш каналлари ва хусусий тармоғи мавжудлиги, савдода воситачилар хизматидан фойдаланиш, маҳсулотни сотиш ва трансакция харажатлари;

- рақобат курашининг рақобатчилар фойдаланадиган нархсиз усуллари: рақобатчи компанияга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган самаралироқ воситалар, рақобатчи фирманинг заифлик даражаси ва ундан «тортиб олиниши» мумкин бўлган бозор ҳиссаси;

- ҳар бир рақобатчи фирманинг молиявий аҳволи ва бозорда ўз ўрнини ҳимоя қила олиши, рақобатчи фирманинг тўлов, янги ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва қувватини кенгайтириш қобилияти;

- текширилаётган давр ёки маълум муддат учун рақобатчи фирма фаолиятининг миқдорий кўрсаткичлари, чиқарилаётган маҳсулот ҳажми, капитал қўйилмалар, илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик ишлари

харажатлари, ишлаб чиқариш харажатлари, фойда ва фирманинг йиллик ҳисоботида мавжуд бошқа кўрсаткичлар;

- рақобатчи фирмаларда товар ва хизматлар маркаси, патентлар мавжудлиги ва уларнинг лицензияларни сотиш бўйича тушумлари миқдори.

Барқарор устувор рақобатбардошликни таъминлашда илмий-техник инқилобнинг (ИТИ) янги босқичидаги ривож ташқи муҳитдаги асосий омиллардан ҳисобланади. Чунки унинг асосида эски тармоқлар, мамлакат ичидаги ва миллатлараро алоқалар бузилиб, сифат жиҳатидан янги технология жараёнлари вужудга келади. ИТИ талабларига нисбатан мос иқтисодиётни тузилмавий қайта қуриш лозим. Бунга капитални тармоқлараро ва минтақалараро оқиб ўтишидаги тўсқинликларни пасайтириш, истиқболли ишлаб чиқаришларни рағбатлантириш, илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик ишлари ривожига молиявий кредитлаш асосида маъмурий-ҳуқуқий кўмаклашиш орқали эришилади. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган корхоналарни бошқаришда, айниқса, бу омилларга эътибор бериш зарур.

Бирор мамлакат иқтисодий ҳолатининг таҳлили мамлакат ҳақидаги умумий маълумотлар ва ташқи муҳит омилларида рўй бераётган ўзгаришларни аниқлашни тақозо этади. Бундай маълумотлар ва омилларга аҳоли сони, миллий ресурсларнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш даражаси; давлат тузуми; пул тизими, мамлакат валютасининг хорижий валюталарга нисбатан шаклланган аҳволи; аҳолининг турмуш даражаси, ривожланишнинг ижтимоий-моддий шартлари ва бошқалар киради.

Шу билан бирга тармоқ ёки умуман, иқтисодиётнинг асосий капиталини кенгайтириш ва янгилаш учун лозим капитал қўйилмалар ҳажми; ишлаб чиқариш индекслари ёки тармоқлар бўйича маҳсулотни етказиб бериш, маҳсулот захиралари; алоҳида фирмалар ва умумтармоқ бўйича келиб тушадиган буюртмалар портфели; аҳоли даромадларини, меҳнат ҳақи жамғармалари кабиларни солиштириш орқали аниқланадиган тўлов қобиляти; илмий изланишлар ва тадқиқотлар учун қилинадиган харажатлар

миқёси ва тузилиши, маҳсулотнинг янгиланиш суръати, бозорга келиб тушадиган, сифат жиҳатдан янги бўлган товарлар ҳиссаси ва миқдори; нархларнинг сон кўрсаткичлари даражаси динамикаси, улгуржи ва чакана нархларнинг экспорт ва импорт нархлари индексларини таққослаш, алоҳида фирмалар – йирик товар ишлаб чиқарувчилар бўйича ишлаб чиқариш харажатлари ва нархларни таққослаш; аниқ бир товарнинг халқаро савдоси тузилмаси, динамикаси, ҳажми; мамлакат экспорт ва импортининг жуғрофий тақсимооти; давлатнинг бозор муносабатларини тартибга солишга йўналтирилган тадбирлари (кредит ва солиқ сиёсати, ҳисоб ставкалари сиёсати); мамлакат ичкарасида ва чет элда амалга ошириладиган капитал қўйилмалар, фирмаларнинг қўшилиши ва сингиб кетиши, молиявий ва ташкилий қўмаклашиш сиёсати ва бошқалар.

Бу омиллар, бошқача қилиб айтганда, мамлакатнинг чет эл сармоясига яратган муҳитни ифодалайди. Инвестициялар оқими натижасида янги турдаги капитал сиғими юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Бизнингча, юқори даромадли рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш иқлими яратишга ёрдам берувчи омиллар сирасига қуйидагилар киради:

- тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат сиёсати ва ижтимоий сиёсатнинг мустаҳкамлиги;
- янги корхоналар очишга ёки мавжудларини кенгайтиришга рағбатни таъминловчи имтиёзли солиқ тизими;
- бизнес соҳасига молиявий воситалар қўйилишига қўмаклашувчи тадбирлар;
- давлат ва хусусий бизнес томонидан молиялаштириладиган инновацион ва татбиқ марказларини ташкил қилиш;
- тадбиркорларга молиявий қўмаклашувчи ривожланган тармоқларга эга махсус фирмалар мавжудлиги;

- бошқарув, маркетинг, реклама масалалари бўйича маслаҳат марказлари ҳамда тадбиркорлар тайёрлаш бўйича марказ ва курслар ташкил этилганлиги;

- нафақат кашфиётни, балки новаторлик ғоялари, ноу-хау ва бошқа ақлий мулкни самарали ҳимоя қилиш тизимининг мавжудлиги;

- давлат идоралари томонидан хўжалик фаолиятини тартибга солиш жараёнини соддалаштириш (ҳисобот шартларини қисқартириш, компанияларни рўйхатдан ўтказиш тартибини енгиллаштириш);

- ишчи кучи сифатини ошириш (таълим, малака);

- ахборот технологияси, коммуникация воситалари билан таъминланганлик;

- рақобатда ғолиб келиш, шахсий ва гуруҳий жавобгарлик каби ижтимоий-психологик йўналишларнинг фирмаларни бошқариш санъатига тарқалиши;

- бошқарувчиларнинг ижод эркинлиги.

Назаримизда, қуйидаги омиллар корхоналарни бошқаришни яхшилаш ва рақобатбардошлик фаолияти ривожига салбий таъсир кўрсатади:

- корхона фойдасига белгиланадиган солиқ ставкаларининг юқорилиги;

- илмий-текшириш ва тадқиқотлар, инновацияларни субсидиялаш етарли даражада эмаслиги;

- корхоналарда жамғариш меъёри ва инвестициялар миқдорининг пастлиги;

- давлатнинг иқтисодиётни керагидан ортиқ даражада тартибга солиши;

- инфляция;

- давлат бошқаруви органлари томонидан керагидан ортиқ миқдорда ҳужжат талаб қилиш;

- ҳукумат аппаратида меҳнат унумдорлигининг пастлиги;

- энергия ресурсларининг танқислиги;
- протекционизм;
- паст самарали корхоналарни субсидиялаш;
- давлат аппаратини сақлаш харажатларининг катталиги;
- таълим даражасининг пастлиги;
- хусусий секторни қўллаб-қувватлаш етарли даражада эмаслиги;
- хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасининг ўсиши етарлича бўлмаслиги ва бошқалар.

Рақобатнинг моҳияти ва ҳаракатлантирувчи кучлари ҳақида инглиз иқтисодчиси М. Портернинг асарларида батафсил кўриб чиқилган. У рақобатда фақат бевосита даъвогарлар иштирок этмайди деган хулосага келади. М. Портер тадқиқотлари натижасида ишлаб чиққан рақобатнинг беш кучи концепцияси бозор рақобати шароитларида хўжалик юритувчи субъектларга энг катта таъсир кўрсатувчи детерминантларни аниқлашга имкон беради. Айтиб ўтилган концепцияга мувофиқ, белгиланган бозорда рақобатнинг ҳолати бешта рақобат кучларининг ўзаро алоқалари натижаси сифатида тавсифланиши мумкин:

- янги рақобатчилар бостириб кириши хавфи;
- ўрнини босувчи маҳсулотлар пайдо бўлиши хавфи;
- таъминотчиларнинг иқтисодий салоҳияти;
- харидорларнинг иқтисодий салоҳияти;
- ушбу мавжуд рақобатчилар ўртасида рақиблик кураши.

Шу билан бирга рақобатнинг кучи ва характерини ўзгартириб юборадиган қуйидаги асосий ҳаракатлантирувчи кучларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- талабнинг узоқ муддатли ўсиш тезлиги;
- харидорлар таркибидаги ўзгаришлар ва маҳсулотдан фойдаланиш усуллари;
- маҳсулотнинг янгиланиши;

- инновациялар;
- маркетинг инновациялари;
- ўз тажрибалари, кўникмалари, маҳорати, интеллектуал капитали билан йирик корхоналарнинг бозорга кириб бориши;
- самарадорлик ва харажатлардаги ўзгаришлар;
- техник ва технологик ютуқларнинг тарқалиб кетиши;
- товарларни дифференциацияланган танлаш ўрнига оммавий истеъмол товарларига нисбатан харидорларнинг афзал кўришининг вужудга келиши;
- давлат сиёсатидаги ўзгаришлар ва иқтисодий муносабатларнинг тартибга солиниши;
- риск ва ноаниқликнинг камайиши;
- саноатни глобаллаштириш;
- ижтимоий ўзгаришлар, турмуш тарзининг ўзгариши.


Республикамизда корхона ва ташкилотларни, уларни барқарор рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи назаридан бошқариш юқорида келтирилган барча рақобатбардошлик омиллари ва жараёнларини башоратлаш, таҳлил ва тақдим қилишни тақозо этади.

3. Давлат томонидан монополияга қарши бошқарувни тартибга солишни аҳамияти

Давлат томонидан монополияга қарши бошқарувни тартибга солишни аҳамияти, корхоналарда рақобат муҳитини ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш имкониятлари россиялик олимлар асарларида ҳам ўз аксини топган. Стратегик бошқарув тадқиқотчиси Тренев Н.Н. таъкидлаганидек, самарали бизнесни шакллантириш муаммоси мавжуд имкониятларни самарали тадқиқ этиш натижасида рақобат муҳитини ривожлантириш


муаммоси билан бирга янги имкониятларни излаб топиш масаласини ҳам ўз ичига олади.

Бундан ташқари, самарали бизнесни шакллантириш, рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида назарий олинган маълумотлар асосида таклиф этилаётган 1-расм мазмунига кўра корхоналар имкониятларидан фойдаланишга асосланиш сарф харажатларни қискартириш ҳисобига рақобатда лидерлик стратегиясини танлашни аниқлатса, янги имкониятларни излашга асосланиш эса товарлар ва хизматларни табақалаштириш стратегиясини танлашни билдиради.



1-расм. Давлатнинг монополияга қарши бошқарув тизими

Расмда акс этган шакл хўжалик амалиётини соддалаштиришни билдиради. Имкониятлардан самарали фойдаланиш маълум шароитларда баҳо бўйича рақобатда устунликка олиб келади, аммо кўп ҳолатларда сервисни яхшилаш, унга янги хосса ва хусусиятлар бериш имкониятини яратади. Бошқача айтганда, имкониятлардан фойдаланиш диверсификациялаш стратегиясини амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат килиши мумкин. Ва аксинча, янги имкониятларни қидириб топиш етакчилик стратегиясида паст сарф-харажатлар асосида кўзда тутилиши мумкин.



2-расм. Давлат томонидан монополияга қарши қарши бошқарувни тартибга солишнинг устувор йўналишлари

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият муаллифлар энг аввало, рақобат стратегиясининг мазмунига эътибор қаратадилар.

Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, корхона раҳбариятида мазкур бизнеснинг ривожланиши ва унга эришиш учун ишлаб чиқиладиган рақобат стратегияси кенгайтирилган стратегик мақсадлар тизими асосида стратегик кўрабилишлик босқичида шаклланиши лозим.

Шундан келиб чиққан ҳолда, давлат томонидан монополияга қарши қарши бошқарувни тартибга солишнинг устувор йўналишлари учун стратегик кўрабилишлик, стратегик мақсадлар тизими ва рақобат стратегиясини шакллантириш асосида корхонанинг рақобат мавқеини стратегик бошқаришнинг концептуал модели таклиф этилади (2-расм).

Бизнинг фикримизча, монополияга қарши қарши бошқарувни тартибга солиш стратегияси бошқарувга нисбатан тизимли ёндашув корхонанинг мазкур бизнесдаги рақобат мавқеини стратегик бошқариш орқали амалга оширилиши мумкин.

Монополияга қарши қарши бошқарувни тартибга солиш фаолияти таҳлили маълумотларига асосланиб, корхоналарнинг тармоқдаги рақобат мавқеини куйидаги курсаткичлар тизими билан тавсифлашимиз мумкин:

1. Эришилган (ёки эришилиши кўзда тутилган) стратегик кўрсаткичлар:

- бозорни назорат қилишдаги улуши;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати;
- истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш даражаси;
- тақсимлаш ва сотиш тизимини ташкил этиш даражаси;
- етказиб берувчилар билан муносабатлар тавсифи;
- ресурслардан фойдаланиш ҳолати;
- инновацияларни татбиқ этиш даражаси.

2. Эришилган (ёки эришиш кўзда тутилган) молиявий кўрсаткичлар:

- сотиш хажми;
- капиталлашув даражаси;

- маҳсулот рентабеллиги;
- капитал айланувчанлигининг тезлиги.

3. Эгалик қилинаётган (ёки эгалик қилиш кўзда тутилган) рақобат устунликлари:

- тажриба;
- ўқув ва билим салоҳиятидаги устунлик;
- ресурслардаги устунлик;
- тутган мавқеидаги устунлик.

Рақобат мавқеининг тавсифи тармоқда юзага келаётган ҳолатга боғлиқ ҳолда бошқа кўрсаткичлар билан ҳам тўлдирилиши мумкин.

Таклиф этилаётган ёндашувга мувофиқ, рақобат мавқеини стратегик бошқариш корхонанинг самарали ишлашидан манфаатдор шахслар мазкур тармоқда нимага эришишни хохлашларини аниқлашдан бошланади (1-жадвал).

1-жадвал

Рақобат муҳитида бизнес ҳамкорлар учун кўзда тутилаётган манфаатлар уйғунлиги


Манфаатдорлар	Кутилаётган натижа
Мулкдорлар (акция эгалари, инвесторлар)	- тармоқлараро рақобатни ривожланиши натижасида акциядорлик қийматини кўтарилишини кўзда тутилган даражаси; - корхоналарда кўзда тутилаётган тушумлар
Ходимлар	- ишчи-хизматчи ходимларнинг талаб қилинаётган касбий маҳорат даражаси; - моддий рағбатлантириш даражаси
Истеъмолчилар	аҳоли эҳтиёжларини юксак даражада қондириш
Монополистик фаолиятни тартибга солувчи ташкилотлар	давлат билан корхоналар, корхоналар билан корхоналар, корхоналар билан ресурс таъминотчилари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни оптимал нуқтага келтириш
Жамият	Арзон, сифатли ва инновацион маҳсулотларни истеъмол қилиш ва юқори малакали, сифатли хизмат турлари

Манфаатдорларнинг хоҳиш истакларини ҳисобга олган ҳолда корхона раҳбарияти мақсадлар тизимини кенгайтириб, очиб бериши керак. Бунда,

тадкикотчи Акофф Р. томонидан ишлаб чикилган ёндашув алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу ёндашувга кўра якуний мақсадларни учта турга бўлиш мумкин:

1. Режалаштириш даврида натижавий мақсадлар.
2. Режани амалга ошириш даврида мақсадга эришилиши мушкул, аммо корхонага керакли йўналишда илгари сурилишига имкон яратадиган тарздаги мақсадлар.
3. Эришиб бўлмайди, деб ҳисобланадиган, аммо уларга аста-секин яқинлашиш мумкин бўлган, истиқболли ҳисобланган мақсадлар.

Қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда корхонанинг рақобат мавқеи бўйича миллий корхоналари учун қуйидаги мақсадлар поғонасини таклиф этиш мумкин (3-расм).



3-расм. Корхонанинг рақобат стратегия иерархияси⁵

Рақобат мавқеини стратегик бошқариш, авваламбор корхонанинг тармоқ бозоридаги мавқеини стратегик кўрабилишликни ишлаб чиқишни билдиради.

⁵ Муаллиф ишланмаси

Бизнинг фикримизча, корхона раҳбарияти истикболда (5-10 йилда) бизнесни қандай мавқеига эга бўлишини режалаштираётганини тасаввур қила олиши керак.

Стратегик кўрабилишликка эга бўлмаган корхона табиийки келажакда бозорда қандай мавқега эга бўлишини ҳам билмайди. Бозор муносабатлари шароитида корхона ўзи учун бозорни қай даражада эгаллашга ҳаракат қилиши кераклиги, айтиш чоғда бутун бозор ёки унинг айрим сегментлари бўйича ўз маҳсулоти билан рақобатлаша олишини оқилона ҳал қилсагина ўз истикболига эриша олади.

Биринчи боб бўйича хулоса

Иқтисодий категория сифатида «рақобат» тушунчаси шу қадар серқирраки, уни қандайдир ягона умумий таъриф билан қамраб олиш мумкин эмас. Рақобат ҳам хўжалик юритиш усули, ҳам бир капиталнинг бошқаси билан беллашувини таъминловчи капиталнинг амал қилиш усули. Рақобатда товар ишлаб чиқаришнинг хусусияти, унинг ривожланиши усули энг асосий аҳамиятли белги сифатида қаралади. Бундан ташқари, рақобат ижтимоий ишлаб чиқаришнинг стихияли регулятори ролида ҳам майдонга тушади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, рақобатни максимал фойдани кўлга киритиш, нисбатан қулай хўжалик юритиш шароитларига эга бўлиш учун товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кураш сифатида баҳолаш мумкин.

Бошқа томондан, рақобатни маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида, шунингдек капитал киритиш соҳасида хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро таъсирини таъминловчи бозор механизмининг элементи сифатида кўриб чиқиш мумкин.

II-БОБ. Ўзбекистонда рақобат муҳитини ривожлантириш тизими ва уни тартибга солиш амалиёти таҳлили

1. Монополияга қарши бошқарув фаолиятини шакллантириш босқичлари таҳлили

Ўзбекистонда монополияга қарши бошқарув тизими ва уни тартибга солиш амалиётининг асосий мақсади тадбиркорлик фаолиятида бизнес муҳитини яратиш, рақобат сиёсатини олиб бориш билан белгиланади. Шу билан бирга монополияга қарши бошқарув тизимини тўғри йўлга қўйилиши мамлакатда инвестицион муҳитни янада жозибадор бўлишига шароит яратади.

Хусусий мулкчилик, жумладан турли мулк эгаларининг улушларидан ташкил топган акциядорлик жамиятлари ҳам рақобат муҳитини яратилиши натижасида иқтисодий самарадорлигини оширишга ҳаракат қилади.

Бу борада давлатнинг монополияга қарши бошқарув тизимини тартибга солиш мақсадида қабул қилган “Рақобат тўғрисида”ги қонуни асосий ҳуқуқий ҳужжатлардан биридир. Мазкур қонунда инвестор томонидан хўжалик юритувчи субъектлари акциялари улушларининг 35 фоиздан ортиғини олиш учун бундай битим тузилганига қадар монополияга қарши давлат органининг олдиндан олинган розилиги бўлиши керак бўлади.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги “Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва мамлакатимиз раҳбарининг ушбу йил 2 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори асосида ишлаб чиқилди.

Қонуннинг асосий мақсади монополияга қарши ишларни мувофиқлаштириш тизимини такомиллаштириш, рақобат муҳитини ривожлантириш, монопол корхоналари фаолияти назоратини кучайтириш

ҳамда иқтисодий ночор ҳўжалик тизимларини молиявий соғломлаштириш борасидаги ишларни фаоллаштиришдан иборат. Шу ўринда айтиш лозимки, Ўзбекистонда бу борадаги ишлар товар бозорида монопол фаолиятни назорат қилиш ва чеклаш борасидаги давлат бошқарув тизимини изчил ислоҳ қилиш доирасида амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, республика бозорларида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, рақобатни ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш, бозорларни монополлаштиришга уринишларга йўл қўймаслик, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи монополияга қарши тартибга солиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Президентимизнинг 2000 йил 2 августда “Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу санадаги “Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси мустақил давлат органи сифатида ташкил этилди. Қўмитанинг мақоми ва вазифалари ҳам, табиийки, кенгайди.

Ислохотларнинг кейинги босқичида хусусий секторни ривожлантириш, корхоналар фаолиятини табиий монополиядан ҳимоя қилишни кучайтириш, банкротликка тушган корхона ва монопол ташкилотларни қайта ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, рақобатни рағбатлантириш, рақобатни ва ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватловчи бозор тизими учун шароит яратиш, қолаверса, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишни таъминлаш ишлари амалга оширилди. Бунда Президентимизнинг 2005 йил 30 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш

тўғрисида”ги Фармони ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилганлигини айтиш зарур. Шунга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташкил этилди.

Бундай ўзгаришлар соҳа қонунчилигини такомиллаштиришни тақозо этди. Натижада 2005 йил 19 декабрда “Баъзи давлат бошқарув органларининг қайта ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Унга биноан, қўмитанинг қайта номланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодексининг 2681-моддаси, “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 23, 25, 27-моддалари ва “Реклама тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасига тегишли ўзгартишлар киритилди.

Монополияга қарши фаолиятни тартибга солиш, рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, табиий монополия корхоналари фаолиятини назорат қилишни кучайтириш ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш борасидаги ишларни фаоллаштириш мақсадида Президентимизнинг 2010 йил 26 февралдаги “Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Ушбу ҳужжатга кўра, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобатни ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига айлантирилди.

Айтиш жоизки, мазкур Фармон асосида тегишли вазирликлар, ташкилот ва тадбиркорлик субъектларига Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари уюшмасини ташкил этиш таклифи ҳам берилган эди. Шу муносабат билан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вазифаси қўмита ваколатидан соқит қилинди. Бу вазифанинг давлат органи зиммасидан олиниб, нодавлат ташкилотига берилиши кучли фуқаролик жамиятининг асосий мезонларидан ҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида монополияга қарши бошқарувни давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги ислохотларнинг яна бир муҳим бир босқичи 2012 йилдаги Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этилишидир. Мазкур Қўмитанинг ташкил этилишидан асосий мақсад бозор иқтисодиётининг асоси бўлмиш давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хусусий мулкчилик қўламини кенгайтириш, давлат томонидан монополияга қарши самарали тартиботларни амалга ошириш ҳамда реал рақобатчилик муҳитини шакллантириш, фонд бозори, хусусан иккиламчи фонд бозорини жадал ривожлантириш, корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилганлигидир.

Чунки, Мустақиллик йилларида давлат мулкани хусусийлаштириш, уни асосан хусусий мулкка сотиш бўйича кенг миқёсли ишлар амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда 31 мингдан зиёд давлат корхоналари ва объектлари мулкчилик шаклини ўзгартирди.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 82,5 фоиздан кўпроғи, саноат маҳсулотининг ва пудрат ишлари ҳажмларининг 90 фоиздан ортиғи, қишлоқ хўжалиги ва савдо соҳасининг деярли барча маҳсулоти иқтисодиётнинг нодавлат сектори улушига тўғри келмоқда.

Хусусийлаштириш жараёнларининг чуқурлашуви, иқтисодиётда давлат иштирокининг камайтилиши ҳамда хусусий мулкчиликнинг роли ва

аҳамияти оширилиши истикболдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ғоят муҳим устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Шу билан бирга, табиий монополияларнинг устунлиги ҳамда монополияга қарши самарали тартиботларни амалга ошириш, ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш, корхоналарнинг ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг, умуман мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишни рағбатлантириш борасидаги ташкилий ва амалий чора-тадбирларни шакллантириш билан боғлиқ кўпгина масалалар тизимли равишда босқичма-босқич ҳал этиб борилмоқда.

Шу жиҳатдан олганда Ўзбекистон Республикасининг яқинда қабул қилинган “Рақобат тўғрисида”ги қонунида назарда тутилган меъёр ва талабларни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилиши катта аҳамият касб этади. Бунда товар ва молия бозорларида рақобатни чеклашга ҳамда устунлик мавқеини суиистеъмол қилишга олиб келадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликка, шунингдек, ноҳалол рақобатни, товарлар (ишлар, хизматлар)нинг нархларини сунъий равишда ошириш ёки тушириб юборишни тақиқлашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Бу ишларни фаоллаштириш учун қилинаётган саъй-ҳаракатларни жамлаш, хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бўйича ишларнинг бажарилишини таъминлайдиган давлат институтларини янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда монополияга қарши бошқарув фаолиятини шакллантириш босқичлари таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, давлат томонидан олиб борилаётган монополияга қарши сиёсат натижасида қуйдаги масалалар ҳал этилиши кўзда тутилган:

- хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларидаги давлатга тегишли активларни ҳамда акциялар пакетлари (улушлари)ни хусусий мулкка сотиш;

- давлат мулкининг хусусий мулк эгаларига сотилишида очиқлик ва ошкораликни таъминловчи давлат тасарруфидан чиқаришнинг янги шакл ва усуллари жорий этиш;

- инвесторлар томонидан қабул қилинган инвестиция мажбуриятлари бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш бўйича тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- акциядорлик жамиятларининг капиталлашуви ва рентабеллиги ўсишини рағбатлантириш ҳисобига фонд бозори, айниқса иккиламчи фонд бозорини ривожлантириш;

- тадбиркорлар ва аҳолининг хабардорлигини кенгайтириш, уларнинг биржа операцияларида фаол қатнашувини таъминлаш;

- бозор инфратузилмасини янада такомиллаштириш, савдоларни электрон шаклда ўтказишга тўлиқ ўтиш чора-тадбирларини тизимли асосда амалга ошириш;

- акциядорлик жамиятларини бошқаришда акциядорларнинг ва кузатувчи кенгашларнинг ролини тубдан оширишга, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

- корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари учун ижро этувчи органларнинг акциядорлар олдидаги масъулиятини кучайтиришга йўналтирилган корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш;

- монополияга қарши самарали тартиботлар ўрнатиш ҳамда товар ва молия бозорларида рақобат чекланишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини амалга ошириш;

- монополистик фаолиятни чеклаш ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиб бориш;

- рақобат муҳитини ривожлантириш учун қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва зарур шарт-шароитларни шакллантириш, товарлар (ишлар, хизматлар) бозорларида, биринчи навбатда ички истеъмол бозорида ва реклама соҳасида ноҳалол рақобатчиликка чек қўйиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

- жамоат тузилмалари билан яқиндан мувофиқлаштирилган ҳолда истеъмолчиларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

- паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини чуқур таҳлил қилиш, уларни биринчи навбатда янги инвесторларни жалб этиш, модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлашга шароит яратиш;

- корхоналарда маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш;

- янги рақобатбардош маҳсулотни ўзлаштириш ҳисобига молиявий соғломлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- иқтисодий ночор корхоналарни таркибий қайта қуриш ва банкрот қилиш борасидаги функцияларни бажариш, судгача ва суд санациясини ўтказиш;

- банкрот корхоналарнинг ташқи бошқаруви бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

Зеро, бу – фуқаролар, хусусий мулк эгалари ва инвесторларни тадбиркорлик фаолияти жараёнида эркин иштирок этиши учун кафолат ва шароит яратишга ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади.

2. Ўзбекистонда рақобат муҳитини амалдаги ҳолати таҳлили

Ўзбекистонда рақобат муҳити ва уни амалдаги ҳолати, ривожланиши ва унга таъсир этувчи омиллар тўғрисидаги маълумотлар, таҳлилларни мазкур параграфда кўриб ўтамиз. Магистрлик диссертация мақсадларидан келиб чиқиб мамлакатимизда давлат томонидан монополияга қарши бошқарув тизимидаги таркибий ўзгаришлар ва уларни такомиллаштириш

борасида сўнгги ўн йилликда бар қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Натижада рақобат муҳити шаклланди.

Бизга маълумки, монополияга қарши самарали тартиботларни ўрнатиш ҳамда монополистик фаолиятни чеклаш ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиб бориш, товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини ривожлантириш, рақобатнинг чекланишига йўл қўймаслик, товарлар (ишлар, хизматлар) бозорларида, биринчи навбатда, ички истеъмол бозорида ва реклама соҳасида ноҳалол рақобатчиликка чек қўйиш чора-тадбирларини амалга ошириш бозор тамойилларига асосланган иқтисодиёт ривожининг устувор йўналишларидан бири саналади.

Олдин фаолият кўрсатиб келган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан ҳисобот давридаги фаолияти давомида давлатнинг монополияга қарши бошқарув тизими ва уни тартибга солиш йўналишдаги қонунлар, Президентимизнинг фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорларида ҳамда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари бўйича 2012 йилги иқтисодий дастурда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга асосий эътибор қаратилди.

Ҳисобот даврида қўмита ва унинг ҳудудий органлари томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган йилда 94 та товар бозорларини ўрганиш натижалари давлат томонидан рақобатни ривожлантириш бўйича кўрилаётган амалий чоралар туфайли мазкур бозорларда монополистларнинг сони 27 фоизга (45 та хўжалик субъектига) қисқарганини кўрсатди. Тадбиркорликнинг монополлашиш даражаси сўнгги уч йилда 0,39 коэффициентдан 0,32 коэффициентгача пасайгани кузатилди.

Шу билан бирга, монополлашувнинг юқори даражаси машинасозлик, металлургия, нефть, газ ҳамда кимё саноати сингари айрим соҳаларда сақланиб қолмоқда. Шу муносабат билан товар ва молия бозорларини қўшимча равишда ўрганиш ишларининг давом эттирилиши, монополлашув

даражасини пасайтириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан тегишли таклифлар тайёрланишига муҳим эътибор қаратилмоқда.

Қўмита томонидан, тадбиркорлик субъектларининг давлат ва корпоратив харидлар, шунингдек, биржа савдоларига тенг шартлар асосида кира олишларини таъминлаш йўналишида бир қатор ишлар амалга оширилди. Чунончи, ўтган йил давомида қурилиш-пудрат ишлари ва товарларни харид қилиш бўйича 1830 та тендер савдоларида иштирок этилди, улардан 55 тасининг натижалари рақобатга қарши ҳаракатлар ҳолатлари аниқланганлиги сабабли бекор қилинди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларининг биржа савдолари орқали юқори ликвидли ва монопол маҳсулотни харид қила олишини кенгайтириш мақсадида қўрилган чоралар ҳам ўз ижобий самарасини бермоқда. Чунончи, биргина 2012 йилда биржа савдоларида кичик ва хусусий бизнес субъектлари томонидан сотиб олинган юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотлар ҳажми 3,06 трлн. сўмни, яъни биржанинг товар айланмаси умумий ҳажмининг 56 фоизини ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 5,8 фоизга ошди.

Юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотларнинг савдоларга қўйилишини назорат қилиш орқали қўрилган чора-тадбирлар натижасида тадбиркорлар томонидан цемент, кальцийланган сода, линт, метали рух, қора металллар прокати сингари товарлар, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга ўсимлик ёғи ва ун каби озиқ-овқат маҳсулотларининг биржа савдолари орқали сотилиши назарда тутилган ҳажми ўртача 100-130 фоиз бўлиши таъминланди. Умуман, ҳозирда Республика товар-хом ашё биржасининг ялпи товар айланмасидаги монопол ва юқори ликвидли маҳсулотнинг улуши 75 фоизни ташкил қилмоқда.

Қўмита томонидан биржа савдоларига мажбурий тарзда қўйиладиган монопол ва юқори ликвидли товарлар номенклатурасини кенгайтириш бўйича қўшимча чоралар келгусида ҳам қўрилади, шунингдек, маҳсулотларни биржа савдоларига бир маромда қўйиш жадвалларига риоя

қилиниши қатъий назорат қилинади. Монопол корхоналар томонидан суиистеъмол қилиниши ва монопол турдаги маҳсулотлар ҳамда хизматлар нархининг асоссиз равишда ошишини тўхтатиш мақсадида назорат функцияларини кучайтиришга эътибор қаратилади.

Ушбу йўналишларда керакли чора-тадбирларни амалга ошириш бозорларда рақобат муҳитини шакллантириш, бизнесни бозор иқтисодиёти тамойилларини бузмайдиган тарзда ташкил этиш, бозорларда вужудга келадиган номутаносибликларни бартараф этиш, тезкор таъсир ўтказишнинг билвосита тартибга солиш усуллари орқали иқтисодиётда давлат иштирокини босқичма-босқич камайитиришга имкон беради. Бундан ташқари, ҳисобот даврида ишлаб чиқариш харажатларини изчил қисқартириш ва саноатда маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича белгиланган параметрлар бажарилишини назорат қилиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилди. Натижада 407 млрд. сўмликдан зиёд маблағ тежалди. Энг муҳими, ушбу маблағлар корхоналар томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш учун йўналтирилмоқда.

Таҳлилларни кўрсатишича, тадбиркорликни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган ҳолатларга йўл қўймаслик борасида ҳам бир қатор чоралар кўрилганини ҳам таъкидлаш жоиз. Чунончи, ўтган йилда вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари томонидан қабул қилинган 141,1 мингта қарор ва фармойишлар, шунингдек, 198 мингтадан зиёд чиқиш хатлари ва ҳокимликлар йиғилишлари баённомалари хатловдан ўтказилди, улардан 129 тасида қонун ҳужжатларига зид бўлган ва тадбиркорликни ривожлантириш учун тўсиқлар яратувчи қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди ва бартараф этилди.

Қўмита томонидан ҳозирда Президентимизнинг 2012 йил 13 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонида белгиланган ҳамда 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг устувор

йўналишларида белгиланган вазифалар ижросини тегишли ҳаракат режалари тузган ҳолда таъминлашга барча саъй-ҳаракатлар сафарбар этилган.

Бугунги кунда бозор муносабатларининг ривожланиши, кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналари ҳамда чет эл инвестицияларининг кириб келиши натижасида барпо этилаётган корхоналар салмоғининг ошиши ва бошқа омиллар таъсирида кўпгина монополист корхоналарнинг товар бозорларидаги улушининг камайиши муносабати билан Давлат реестридан чиқарилмоқда.

Жорий йилда, жумладан, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари билан ҳамкорликда маҳсулот таннархини ўртача 11,2 фоизга пасайтиришни таъминлаш мақсадида, нефт-газ, кимё, енгил саноат, электр-техника, озиқ-овқат, фармацевтика саноати, шунингдек қурилиш материаллари, автомобилсозлик каби 30 га яқин тармоқларга қирувчи корхоналарни ўрганиб чиқиш мўлжалланган.

Шунингдек, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган қарорларни ўрганиб чиқиш ва хатловдан ўтказиш ҳамда норасмий имтиёзлар бериш, сунъий тўсиқларни яратиш, камситувчан ёндашув, тадбиркорларнинг маблағларини бошқа мақсадлар учун олишга йўл қўймаслик мақсадида маъмурий тўсиқларни, шу жумладан, рухсат бериш тартиб-таомилларини бартараф этиш ва камайитириш бўйича тизимли ишларни давом эттириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан декларация қилинган нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик, истеъмолчиларга маҳсулот етказиб беришда турли хил ноқонуний шартларни, шунингдек бозорга кириш учун тўсиқлар қўйиш каби ҳолатларга йўл қўймаслик юзасидан назорат амалга оширилади (2-жадвал). Масалан, 2012 йилда 906 та корхона ва ташкилотларда текширишлар ўтказилиб, улардан 643 (70,9 фоиз) тасида турли хилдаги қонун бузилиш ҳолатлари аниқланиб, ноқонуний олинган маблағлар (жаримаси билан) 5167,2 млн. сўм

ташкил этди. Ушбу сумманинг 585,2 млн. сўми қишлоқ хўжалик корхоналарига қайтарилди.

2 -жадвал.

**Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши органи томонидан
иқтисодий концентрацияларни назорат қилиш амалиёти⁶**

Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Акциялар олди-сотдисининг қонунчиликка мувофиқ тушиши бўйича инвентаризация қилинган битимлар сони	2389	3195	3714	9154
Монополияга қарши органининг рухсатсиз рўйхатга олинган битимлар сони	73	54	0	7
Хўжалик юритувчи субъект акциясининг 35% кўироғини сотиб олиш бўйича кўриб чиқилган мурожаатлар сони	83	77	58	96
Берилган розиликлар сони	76	71	54	74
Шу жумладан %да	91,8	92,2	93,1	77,1
Бирлашишлар бўйича кўриб чиқилган материаллар сони	10	16	7	12
Тугатишлар бўйича кўриб чиқилган материаллар сони	133	74	97	106
Алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга ажралиб чиқиш бўйича кўриб чиқилган материаллар сони	18	2	1	0
Компаниялар, шу жумладан, холдингларни ташкил этиш бўйича кўриб чиқилган материаллар сони	4	3	4	2

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 мартдаги 165-сонли «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалага ошириш чора-тадбирлари ҳақидаги қарори билан тасдиқланган «Нархлар (тарифлар)ни шакллантириш ва уларнинг қўлланишини назорат қилиш тартиби»га 2002 йилнинг июнь ойида киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар натижасида, қишлоқ хўжалиги

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари

корхоналарига сотилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар бўйича нарх соҳасида ҳисоб-китоблар тартиби бузилиши оқибатида олинган ортиқча маблағлар энди уларнинг ўзларига қайтарилади.

Кўрилаётган чоралар туфайли сўнгги икки йил ичида рухсат бериш тартиб-таомиллари амалда 40 фоизга қискарди, шу билан бирга, ҳозирги пайтда 200 дан ортиқ турли рухсат бериш тартиб-таомиллари сақланиб қолмоқда. Шу боисдан Адлия вазирлиги билан биргаликда турли рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш бўйича тизимли ишларни давом эттириш кун тартибида турибди. Президент фармонидан келиб чиқиб, яна бир муҳим вазифа – реклама соҳасида ноҳалол рақобатчиликка чек қўйиш чора-тадбирларини амалга ошириш масаласига эътиборни кучайтириш борасида аниқ мақсадлар ишлаб чиқилмоқда.

Таҳлилларни кўрсатишича, табиий монополияларнинг устунлиги ҳамда монополияга қарши самарали тартиботларни амалга ошириш, ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш, корхоналарнинг ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг, умуман, мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишни рағбатлантириш борасидаги ташкилий ва амалий чора-тадбирларни шакллантириш зарур бўлади. Шунингдек, “Рақобат тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, товар ва молия бозорларида рақобатни чеклашга ҳамда устунлик мавқеини суиистеъмол қилишга олиб келадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликка, шунингдек, ноҳалол рақобатни, товарлар (ишлар, хизматлар)нинг нархларини сунъий равишда ошириш ёки тушириб юборишни тақиқлашга алоҳида эътиборни қаратиш лозим.

3. Монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш амалиёти таҳлили

Ҳар қандай мамлакатнинг ички бозорида рақобатнинг мавжудлиги бозор хўжалиги муваффақиятли фаолият кўрсатишининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида рақобат тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилинганлиги ва мазкур масалалар билан шуғулланувчи

миллий ташкилотларнинг ташкил этилганлиги ушбу ҳолатни тасдиқлаб турибди. Хусусан, Ўзбекистонда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилган бўлиб, унинг фаолияти республика иқтисодиётида рақобат муҳитини яратиш, мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхона ва фирмалар хўжалик фаолиятини юритиш учун тенг рақобат имкониятларини барпо этишга йўналтирилган. Масаланинг яна бир моҳияти шундан иборатки, ушбу йўналишларда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш энг муҳим устувор вазифалардан бири саналади.

Президент И.А. Каримов таъбири билан айтганда, “Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бозор муносабатларининг асоси бўлган рақобатни ривожлантиришда монополияга қарши қонун ҳужжатлари катта роль ўйнайди. Аммо, амалдаги “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги қонун бугунги кунда эскирди ва замон талабларига жавоб бермай қолди. Шунинг эътиборига олган ҳолда, “Рақобат тўғрисида”ги янги қонунни ишлаб чиқишимиз ва қабул қилишимиз зарур”⁷.

Ҳозирда давлатимизнинг жаҳон иқтисодиётига тўлақонли ва самарали кириб бориши ушбу муаммо юзасидан олиб борилаётган тадқиқотларни кенг қулоқ ёйдириш, мавжуд корхоналарнинг рақобатли устунликларини амалга ошириш, ривожлантириш ва тартибга солиш учун зарур шарт-шароитларни яратишни талаб қилади. “Бу ҳол ҳозирги халқаро муносабатларни шакллантирганда, халқаро тузилмалар билан ўзаро алоқаларда ва уларнинг фаолиятида иштирок этганда мутлақо янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни зарур қилиб қўймоқда”⁸.

Жорий йилнинг январь-июнида республикада саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 19276,4 млрд. сўм ёки 2010 йилнинг январь-июнига нисбатан 106,8 фоизни ташкил этди. Ҳисобот даврида 6657,5 млрд. сўмлик истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 2010 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш

⁷ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. //Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.

⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997, 298-б.

суръати 112,3 фоизни ташкил этди. Жумладан, 2945,8 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 3711,7 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 113,7 фоиз ва 111,1 фоиз) ишлаб чиқарилди. Жорий йилнинг январь-июнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 7596,7 млрд. сўм ёки 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 106,7 фоизни ташкил этди. Жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 4050,8 млрд. сўмни (106,6 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари 3545,9 млрд. сўмни (107,0 фоиз) ташкил этди⁹.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайишига қарамай, ушбу корхоналарнинг электр энергияси сарфи, иш ҳақи, ижтимоий соҳани сақлаш ва ривожлантириш каби харажатларнинг кескин ошиб кетиши табиий газ, кўмир, электр, алоқа ва бошқа соҳалар нархлари (тарифлари)нинг ошишига олиб келмоқда. (3-жадвал).

3-жадвал.

Республикада саноат маҳсулотидида табиий монополиялар улуши ва унинг ўзгариши (фоизда)¹⁰

Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Республика саноат маҳсулоти ҳажмидаги табиий монополиялар улуши					
Электр энергия ишлаб чиқариш	11,6	11,5	11,4	9,7	10,5
Нефтни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш	7,3	10,4	10,0	7,8	10,1
Газ ишлаб чиқариш ва узатиш	8,5	8,2	7,6	6,4	7,9
Кўмир қазиб чиқариш	0,5	0,6	0,7	1,0	1,2
Ҳаво ва темир йўлда юк (йўловчи) ташиш	4,1	4,2	3,6	4,5	4,8
Почта ва телекоммуникация хизматлари	2,6	2,7	3,3	3,6	3,9

Бироқ республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ва қишлоқ хўжалиги машинасозлик соҳасида қўлга киритилаётган ижобий

⁹ WWW.Statistics.uz

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари

ютуқларга қарамай, айниқса, қишлоқ хўжалиги машинасозлигининг жаҳон бозорида, қолаверса ички бозордаги рақобатбардошлик даражасини айтарли даражада баҳолаб бўлмайди.

Бунга кўп жihatдан шу ҳолат ҳам сабаб бўладики, табиий монополиялар тизимининг ўзига хос хусусиятлари маҳсулотлар ёки хизматларнинг ҳақиқий таннархини аниқлашда ҳамда нархларнинг қанчалик асосланганлигини таҳлил қилишда тўсиқлар яратади.

Улар амалда ўз маҳсулотларига ҳақиқий харажатлардан келиб чиқиб эмас, балки амалда бўлган нархномаларга коэффициентлар қўшиш орқали нарх белгилаб келмоқда. Нарх белгилашнинг бу усули пировард натижада нархларнинг асоссиз юқори белгиланишига ва истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилишига олиб келади.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида давлатнинг монополияга қарши сиёсатидан бири миллий корхоналарни рақобатдошлигини ошириш ҳисобланади. Корхоналарни рақобатбардошлигини белгилайдиган энг муҳим кўрсаткичлардан бири бу корхонанинг молиявий аҳволи ҳисобланади. Шунинг учун биз магистрлик диссертациясини ёзишини ёзиш жараёнида Тошкент шаҳрида жойлашган “Ўзбекенгилсаноат” ДАК тармоғига кирувчи “ТашРостекстиль” кўшма корхонасини тадқиқот объекти сифатида олдик.

Ҳозирги кунда “Ўзбекенгилсаноат” ДАКда бозор иқтисодиёти шароитида истеъмол товарларини ишлаб чиқаришнинг ҳажмини оширишга, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилашга, экспорт қилинадиган маҳсулотлар ҳажмини кўпайтиришга, чет эл сармояларини ўзлаштиришга қаратилган ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятини барқарорлаштириш бўйича аниқ мақсадли ишлар амалга оширилмоқда.

“ТашРостекстиль” кўшма корхонаси тўғрисида қисқача маълумот:

1. Корхонанинг манзили – Тошкент шаҳар, Бектемир тумани Истиқлол кўчаси, 44 уй.

2. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот номи – № 40/1 калава ип, хом трикотаж, полотно, калава ип, момик.

3. Устав жамғармасы – 1655,8 минг АҚШ доллари

4. Таъсисчилар Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки – ва Россия Федерацияси

5. Ер майдони, га – 12,5 ш.ж фойдаланаётгани 2,1.

6. Асосий воситалар: суммаси 50801698 минг сўм.

Ш.ж. бино ва иншоотлар – 14486327 минг сўм

Машина ва механизмлар – 35574982 минг сўм

Технология ва жиҳозлар – 35138077 минг сўм

7. Эскиришнинг ҳисобланиш даражаси – 10%

8. Технологиянинг ҳолати (қайси давлатда ва нечанчи йилда ишлаб чиқарилган) – Япония ва АҚШ 2001 йил. Корхона 2002 й. май ойидан ишга тушган).


9. Жами ишчилар сони – 600 ш.ж: маъмурий бошқарув ходимлар – 10, хотин-қизлар – 365 киши.

10. Омбордаги маҳсулот қабул қилиш ҳажми (тонна) – 600.

Корхона молиявий аҳволи таҳлилининг муҳим вазифаларидан бири унинг молиявий барқарорлиги акс этувчи кўрсаткичларни ўрганишдир. Молиявий барқарорлик даромадларнинг харажатлардан ортиши, пул маблағларини эркин ишлатиш ва улардан жорий (тезкор) фаолият жараёнида самарали фойдаланиш билан таърифланади.

Маълум даврдаги молиявий барқарорликни таҳлил қилиш корхона ўз ва қарз маблағларини қанчалик оқилона бошқараётганлигини аниқлаш имконини беради. Қарз ва ўз маблағлари манбалари ҳолати корхонани ривожлантиришнинг стратегик мақсадларига жавоб бериши муҳим, чунки етарли даражада бўлмаган молиявий барқарорлик корхонани тўлашга қодир эмасликка, яъни ички ва ташқи шериклар ва давлат билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун пул маблағлари йўқлигига олиб келади. Шу билан бирга жуда катта ҳажмдаги эркин пул маблағлари ишлаб чиқариш

захиралари ва ортиқча харажатларга йўналтирилиши корхона фаолиятини мураккаблаштиради. Буни “ТашРостекстиль” қўшма корхонаси бошқаруви ташкилий такомиллаштириш таҳлили натижалари ҳам тасдиқлайди. Улар корхонанинг барқарор ва рентабел ишлашини қийинлаштирувчи бир қатор объектив ва субъектив омиллар борлигини кўрсатди. Корхонанинг молиявий барқарорлиги бевосита унинг рақобатбардошлигини белгилаб беради. Биз буни корхонанинг ишлаб чиқариш натижасида олган фойдасида кўришимиз мумкин (4-расм).



4-расм. 2007-2012 йилларда “ТашРостекстиль” қўшма корхонасининг фойда кўрсаткичи динамикаси (млн.сўм)

4-расмга эътибор берадиган бўлсак, корхона дастлабки ишга тушган 2007 йилда корхона 30,8 млн.сўм фойда кўрган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич бир оз пасайган. 2012 йилга келиб эса, корхонанинг фойдаси 116,1 млн.сўмни ташкил этган.

Юқорида таъкидлаб ўтканимиздек, корхона рақобатдошлигини белгилаб беришда биринчи навбатда, соф фойда ва амортизация ажратмалари киради. Шу билан бирга, корхонанинг молиявий барқарорлигига бир нечта омиллар ҳам таъсир кўрсатади:

- корхонанинг товар ва молиявий бозорлардаги ўрни;
- ташқи кредиторлар ва сармоядорларга тобелиги даражаси;
- дебиторлар қарзларни тўлашга қодир эмаслиги;
- ишлаб чиқариш харажатларининг миқдори ва тузилмаси, уларнинг пул даромадларига нисбати;
- низом капиталининг тўланган миқдори;
- тижорат ва молиявий операциялар самарадорлиги;
- мулк салоҳиятининг ҳолати, узоқ муддатли ва жорий активлар билан мутаносиблиги;
- ишлаб чиқариш ва молиявий менежерларнинг касбий тайёргарлик даражаси, уларнинг ички ва ташқи муҳитни доимо ҳисобга ола билишлари.

Манбалар турларини акс эттириш учун (ўз маблағлари, узоқ ва қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар) кўрсаткичларнинг қуйидаги тизими ишлатилади:

Йил охирига ўз айланма маблағлари мавжудлиги қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$\dot{Y}_{AM} = \dot{Y}_K - Y_{MA}, \quad (1)$$

Бунда: $\dot{Y}_{AM}$ – ўз айланма маблағлари;

$\dot{Y}_K$ – ўзининг капитали (пассивнинг 1 бўлими), ўз маблағлари манбалари;

Y_{MA} – узоқ муддатли активлар.

2. Захираларни молиялаштиришнинг ўз ва узоқ муддатли қарз манбалари мавжудлиги ушбу формула бўйича аниқланади:

$$\dot{Y}_{MK} = \dot{Y}_{AM} - Y_{MK}, \quad (2)$$

Бунда: Y_{MK} – узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар.

3. Олиб борилган ҳисоблар натижасида заҳиралар молиялаштириш манбалари билан таъминланганлигининг учта кўрсаткичи аниқланди.

Ўз айланма маблағларининг ортиқчалиги ёки етишмовчилиги ($\Delta \text{БИМ}$):

$$\Delta \text{БИМ} = \text{БИМ} - \text{З}, \quad (3)$$

Бунда: З – товар-моддий заҳиралар.

Заҳираларни молиялаштиришнинг ўз ва узоқ муддатли манбалари ортиқчалиги ёки етишмовчилиги:

$$\Delta \text{БИМК} = \text{БИМК} - \text{З}. \quad (4)$$

Заҳираларни шакллантириш асосий манбалари умумий катталигининг ортиқчалиги ёки етишмовчилиги:

$$\Delta \text{ЗАМ} = \text{ЗАМ} - \text{З}. \quad (5)$$

Тегишли молиялаштириш манбалари заҳиралар билан таъминланганлигининг келтирилган кўрсаткичлари уч омили моделга асосан шаклланади:

$$M \in \langle \text{БИМ}, \Delta \text{БИМК}, \Delta \text{ЗАМ} \rangle \quad (6)$$

Барча учта кўрсаткич M ижобий катталигида корхонанинг мутлақо молиявий барқарорлиги тасдиқланади: $\Delta \text{БИМ} \leq 0$, $\Delta \text{БИМК}$ ва $\Delta \text{ЗАМ} \geq 0$ – меъёردаги молиявий барқарорлик, $\Delta \text{БИМ}, \Delta \text{БИМК} \leq 0$, $\Delta \text{ЗАМ} \geq 0$ – нобарқарор молиявий ҳолат. Агар ушбу уч кўрсаткичнинг ҳаммаси салбий натижага эга бўлса, корхона тўлашга қодир эмас ва иқтисодий ночорлик ёқасида турган бўлади.

Ушбу диссертация ишида “ТашРостекстиль” қўшма корхонаси молиявий барқарорлигининг мутлақ ва нисбий кўрсаткичлари ҳисобланган ва 4 - жадвалда келтирилган.

Таҳлиллар кўрсатишича, 2007-2012 йилларда корхона меъёردаги молиявий барқарорликка эга бўлган. 2012 йилда қисқа муддатли кредитлар ва қарзлари миқдори 182001130 минг сўмга камайиши оқибатида молиявий аҳволи барқарорлашган. Таҳлил этилган бутун давр мобайнида ўз айланма маблағлари етарли бўлмаган. Бу одатдагидек, таҳлил этилган бутун даврга салбий таъсир кўрсатган.

“ТашРостекстиль” қўшма корхонасининг 2009-2012 йилларда молиявий барқарорлигининг мутлақ кўрсаткичлари*

Кўрсаткичлар	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Ўз маблағларининг шаклланиш манбалари (капиталлар ва заҳиралар)	185795280	193054832	340957381	340355898
Узоқ муддатли актив	193964309	210495715	354547377	362683622
Ўз айланма маблағлари мавжудлиги	-8169029	-17440883	-13589796	-22327724
Узоқ муддатли мажбуриятлари мавжудлиги (кредитлар ва қарзлар)	46266959	85941073	120894077	18014221
Айланма маблағларини шакллантирувчи ўз узоқ муддатли манбалари мавжудлиги	38097930	68500190	107304281	-4313503
Қисқа муддатли қарз ва кредитлар	59205290	108671013	142060275	182001130
Асосий манбалар ва маблағларнинг умумий миқдори	97303220	177171203	249364556	177687627
Заҳираларнинг умумий йиғиндиси	6237660	1188711	13259649	12573507
Ўз айланма маблағларининг ортиқчалиги (К), етишмовчилиги (-)	-14406689	-29328594	-26849445	-34901231
Заҳираларни қопловчи ўз ва узоқ муддатли қарзлар манбасининг ортиқчалиги (К), етишмовчилиги (-)	31860270	56612479	94044632	-16887010
Молиявий заҳиралар асосий манбалари умумий йиғиндисининг ортиқчалиги (К), етишмовчилиги (-)	91065560	165283492	236104907	165114120

Жадвал “ТашРостекстиль” қўшма корхонаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби асосида тузилган.

Ҳисоблар натижалари мутлақ қадрлилик мавжуд эмаслигини кўрсатди (пул маблағлари йўқлиги). Унчалик тўғри бўлмаган, қайта кўрсатилаётган кўрсаткичлар тақдим этилган бухгалтерлик ҳисоботида узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятларни аниқлашга турли ёндашиш орқали изоҳланади.

5-жадвал

**“ТашРостекстиль” кўшма корхонаси молиявий барқарорлиги
коэффициентларининг нисбий қийматлари**

Коэффициентларнинг номланиши	2009	2010	2011	2012	Меъёр
Молиявий мустақиллик коэффициенти	0,758	0,640	0,706	0,630	>0,5
Қарздорлик коэффициенти	0,319	0,563	0,417	0,587	<0,67
Ўзини ўзи молиялаштириш коэффициенти	3,13	1,76	2,40	1,70	1,0
Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	-0,042	-0,083	-0,038	-0,061	≥01,
Ҳаракатчанлик коэффициенти	-0,044	-0,090	-0,040	-0,061	0,2÷0,5
Молиявий танглик коэффициенти	0,240	0,360	0,294	0,370	<0,5
Ҳаракатчан ва қимирламайдиган активлар мутаносиблиги коэффициенти	0,263	0,433	0,362	0,490	Ҳар бир корхона учун ўзига хос
Ишлаб чиқаришга йўналтирилган мулклар коэффициенти (ҳақиқий мулк)	0,817	0,737	0,761	0,694	≥0,5

2011 йилда барча мажбуриятлар қисқа муддатлиларга киритилган, бу эса, ўтган ҳисобот йилларидан кескин фарқланувчи кадрлилик кўрсаткичларида акс этган (6-жадвал).

6-жадвал

**“ТашРостекстиль” кўшма корхонасининг тўлай олиши ва кадрлилик
коэффициентларини ҳисоблаш натижалари**

Кўрсаткичнинг номланиши	2001	2002	2003	2004	Меъёр
Мутлақ (тез) кадрлилик коэффициенти	-	0,002	0,001	0,005	0,5÷0,2
Жорий (аниқланган) кадрлилик коэффициенти	3,340	3,030	4,880	0,851	05÷0,8
Маблағлар жалб этилганида кадрлилик коэффициенти	0,482	0,499	0,750	0,070	0,5÷0,7
Умумий кадрлилик коэффициенти	3,827	6,212	5,630	0,920	1,2
Ўзининг тўлай олиш коэффициенти	2,940	3,010	5,060	-0,023	Ҳар бир корхона учун ўзига хос

Корхонанинг иш фаоллиги миқдор ва сифат мезонлари бўйича ўлчанади. Сифат мезонлари (корхонанинг обрўси, рақобатбардошлиги, доимий таъминотчи ва харидорлари мавжудлиги) одатда, рақобатчиларнинг ушбу ўлчамлари билан таққосланади. “ТашРостекстиль” кўшма корхонаси

истеъмолчиларни трикотаж, полотно, калава ип ва бошқа саноат маҳсулотлари билан таъминлаб келади.

Иш фаоллигининг миқдор мезонлари мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар билан тавсифланади. Мутлақ кўрсаткичлар орасидан маҳсулот сотишдан тушумларни, фойдани, авансланган капитал қийматини ажратиш зарур (7-жадвал).

7-жадвал

“ТашРостекстиль” қўшма корхонаси 2011-2012 йилларда иш фаоллиги коэффицентларини ҳисоблаш натижалари

Коэффицент номланиши	Ҳисобот	
	2011	2012
Активлар айлана олиши коэффиценти		
Активлар айлана олиши коэффиценти	0,386	0,386
Активларнинг бир марта айланиши давомийлиги (кунлар)	1116,2	945,6
Узоқ муддатли активлар айлана олиши коэффиценти	0,454	0,552
Узоқ муддатли активларнинг бир марта айланиши давомийлиги (кунлар)	804	661,2
Жорий активлар айлана олиши коэффиценти	1,17	1,28
Жорий активларнинг бир марта айланиши давомийлиги (кунлар)	312	285,2
Заҳиралар айлана олиши коэффиценти	8,84	12,13
Заҳираларнинг бир марта айлана олиши давомийлиги	48,15	30,09
Дебитор қарзлар айлана олиши коэффиценти	1,48	1,54
Дебитор қарзлар бир марта айлана олиши давомийлиги	246,6	237,0
Ўз капиталлари айлана олиши кўрсаткичлари		
Ўз капиталлари айлана олиши коэффиценти	0,48	0,58
Ўз капиталлари бир марта айланиши давомийлиги (ўз маблағлари манбалари)	760,4	629,3
Кредитор қарзлар айлана олиши кўрсаткичлари		
Кредитор қарзларнинг айлана олиши коэффиценти	1,273	1,307
Кредитор қарзларнинг бир марта айлана олиши давомийлиги	286,7	279,3

Таҳлиллар кўрсатишича, “ТашРостекстиль” қўшма корхонаси 2012 йилда иш фаоллиги 2011 йилдагига нисбатан ошган, аммо юқори кўрсаткичларга эришилмаган. Дебитор ва кредитор қарзлар ўртасидаги фарқ катта. Чунончи, кредитор қарзлар дебитор қарзлардан 2010 йилда 1,17 баравар, 2009 йилда 1,175 баравар кўп бўлган (8-жадвал).

Ресурсларни тежаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, кадрли маблағларга эга бўлиш учун корхона кредиторлар билан фаол иш олиб бориши зарур.

8-жадвал

“ТашРостекстиль” қўшма корхонасининг 2011-2012 йилларда рентабеллиги кўрсаткичларини ҳисоблаш натижалари

Кўрсаткичнинг номланиши	2011	2012
Маҳсулотларни сотиш рентабеллиги	51,2	75,7
Ишлаб чиқариш рентабеллиги	2,7	3,4
Активлар рентабеллиги	1,9	2,3
Ўз капиталлари рентабеллиги	0,7	1,8
Сотувлар рентабеллиги	5,7	6,0

Шундай қилиб, “ТашРостекстиль” қўшма корхонаси молиявий барқарорлиги ташқи омиллар ва ресурслар билан таъминланганлиги баробарида ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш, компанияни модернизациялаш ва рақобатбардошлигини ошириш учун сармоя ресурсларини жалб қилишга ва бошқариш самарадорлигини оширишга боғлиқ.

Юқорида биз кўриб ўтган кучларнинг таъсир даражалари биргаликда тармоқ фойдасининг энг юқори салоҳиятини белгилаб беришга ёрдам беради. Ушбу ҳолатда корхонанинг мақсади – тармоқда бу кучлар таъсиридан энг яхши ҳимояланувчи ёки уларга таъсир кўрсата оловчи ўрин топиш ва эгаллаб олишдир. Тармоқда рақобатга таъсир этувчи кучларни баҳолаш корхонанинг кучли ва кучсиз томонларини аниқлаш имконини беради. Сўнгра бозордаги мавжуд ўринларни мустаҳкамлаш ёки янги рақобатли ўринларни эгаллаш учун ҳаракатлар режасини тузиши мумкин бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳали ишга солинмаган рақобатни бошқарувчи ва ҳаракатлантирувчи кучлардан фойдаланиш қишлоқ хўжалиги машинасозлик соҳаси ва унинг рақобатбардошлик даражасини оширишга ўзининг ижобий ҳиссасини қўшади.

Иккинчи боб бўйича хулоса

Тадқиқот давомида II-боб бўйича ўрганилган маълумотлар асосида иқтисодиётида рақобат муҳитини шакллантиришда қуйидаги тамойилларга асосланиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди:

- бозор муносабатларининг қарор топтирилиши;
- рақобатнинг тўлақонли амал қилиши учун иқтисодий фаолиятларни эркинлаштириш жараёнларини амалга ошириш;
- соғлом рақобатни таъминлашга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий асоснинг яратилиши;
- иқтисодиётда корхоналарнинг сунъий равишда устунлик мавқеига эга бўлиши учун имкон яратмаслик;
- монополияга қарши қонунчиликнинг ишлаб чиқилиши ва унга амал қилишнинг таъминланиши;
- иқтисодиётдаги монопол ҳолатларни тартибга солиш ва рақобатни қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус давлат идоралари, муассасалари ва органи фаолиятини йўлга қўйиш;табiiй монополиялар борасидаги махсус сиёсатнинг ишлаб чиқилиши.

III-БОБ. Миллий иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлашнинг устувор йўналишлари

1. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашдаги муаммолар

Ўзбекистонда монополистик фаолиятни тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, табиий монополиялар корхоналари фаолиятини назорат қилишни кучайтириш ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик, рақобат ва унинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш иқтисодиётни модернизация қилиш ва либераллаштириш шароитида асосий вазифадир.

Бозор муносабатларининг асоси сифатида рақобатни ривожлантириш бўйича мамлакатимизда юрбошимиз бошчилигида улкан ишлар амалга оширилди. Шу ўринда қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги “Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4191-сонли Фармони билан монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ишларига бугунги кун ривожланиш реаллигидан келиб чиққан ҳолда тизимга янги талаблар қўйилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил қилинди.

Айни пайтда, монополияга қарши ишларни тартибга солиш тизимини, рақобат муҳитини изчил ривожлантиришнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштирилиши, иқтисодиётни модернизация қилиш ва либераллаштириш талаблари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг назорат вазифаларини қисқартирилиши, шунингдек изчил ривожланиб бораётган тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётдаги

муносабатлари монополияга қарши қонунчиликни янада такомиллаштириш заруриятини белгилаб берди. Зеро, сўнгги йилларда иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувининг кучайиши, бозорда турли молиявий, иқтисодий ҳамда мулкӣ муносабатларнинг янги шакллариининг ривожланиши натижасида бозор қўйган талабларни, яъни шаклланган муносабатларни тартиб солиш зарурияти юзага келмоқда. Бошқача айтганда, ҳозирда монополистик фаолиятни нафақат товар бозорларида, балки молия бозорларида, қимматли қоғозлар бозорида, биржа савдоларида ҳам чеклаш чораларини кўришни давлатимизнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ҳам талаб этмоқда.

Лекин, миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини таъминлашда муаммолар мавжуд бўлиб, улар қуйдагилардан иборат:

1. Қонун меъёрлари кўпинча умумий қоидалардан иборат бўлиб, доимо ҳам тартибга солишнинг муҳим масалаларини тўлиқ қамраб олмайди.

2. Рақобатни таъминлашнинг кўплаб томонлари қонундан ташқари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бизда қонунчиликка қўшимча равишда 20дан ортиқ ҳужжатлар, жумладан, 100 га яқин ҳукумат қарорлари ва 10 дан ортиқ Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган идоравий ҳужжатлар қабул қилинган.

Ғарб мамлакатларида қонунга қўшимча ҳужжатлар билан монополияга қарши қонунчилик масалаларини тартибга , солинмайди, чунки барча асосий меъёрий қоидалар қонунларда ўз ифодасини топади. Қонунга қўшимча ҳужжатларнинг қўлланиши рақобат масалаларини бошқариш тартибига ўзгариш ва тўлдиришлар киртиш, шунингдек, қонун меъёрларини идоравий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда талқин этиш имконини беради.

Ўзбекистондаги монополияга қарши сиёсатнинг ҳуқуқий муҳитини таҳлил қилиш асосида уни такомиллаштириш бўйича қуйидаги тавсияларни илгари суриш мумкин:

- монополияга қарши қонунчиликда қонун меъёрларининг турли тарзда (талқин этилиши ҳамда улар ўртасидаги зиддиятнинг олдини олиш, унинг

амалий йўналтирилганлиги ва гармонизациясини (яъни, амалга ошириш механизмига эга бўлмаган ёки ноаниқ меъёрларга эга бўлган моддаларни чиқариб ташлаш ёки тўғрилаш) ошириш, шунингдек республика қонунчилигининг бошқа бўлимлари билан мувофиқлигига эришиш мақсадида қайта кўриб чиқиш;

- қонунчиликка харидорларнинг устунлик ҳолатини аниқлаш, шунингдек, уни суистеъмол қилиш бўйича жавобгарлик чораларини киритиш;

- рақобат сиёсатининг монополист-корхоналар фаолиятини қатъий тартибга солиш асосий тамойилидан уларни рақобатга қарши ҳатти-ҳаракатлари учун жазолаш тартибига ўтиш тамойилига ўзгартиришга эътиборни қаратиш. Бунда шундай қоидадан келиб чиқиш керакки, фирманинг бозордаги устунлик мавқеининг ўзи қонунчиликнинг бузилиши ҳисобланмайди. Бунинг устига, баъзида бу устунлик фирманинг самарали ишлашидан дарак бериб, унинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигининг муҳим шарти ҳисобланади. Фақат устунлик мавқеини суистеъмол қилишгина қонунбузарлик ҳисобланиб, бу ҳам текшириш ва судда ишни кўриб чиқиш орқали исботланган бўлиши лозим;

- монополияга қарши қонунчилик таъсир доирасини молиявий бозорлар соҳаси учун ҳам кенгайтириш лозим.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонун бугунги кунда эскиргани ва замон талабларига жавоб бермай қолганлиги, шу билан бирга “Рақобат тўғрисида”ги янги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлиги илгари сурилди.

Ушбу қонунда монополистик фаолиятни нафақат товарлар бозорида, балки молия бозорларида ҳам тартибга солишни назарда тутиш лозимлиги, шунингдек, биржа савдоларида ҳам монополияга қарши механизмларни, акцияларни сотиб олиш, қўшиш ва бирлаштириш битимларини тартибга солиш ва назорат қилиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш бўйича нормаларни ушбу қонунга киритиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Авваламбор, товар бозорларидаги муносабатларни молия хизматлари бозоридаги муносабатлардан фарқини аниқлаштириш лозим. Зеро, товар бозорларида сотиш ёки алмаштиришни мақсад қилувчи фаолият маҳсуллари бўлмиш маҳсулотлар, товарлар айланади. Молия хизматлари бозорида эса муносабатлар объекти бўлиб молия хизматлари намоён бўлади. Яъни, молия хизматлари пул маблағларини жалб этиш ва фойдаланиш билан боғлиқ фаолият ҳисобланиб, ушбу туркумга банк хизматлари, суғурта хизматлари, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган хизматлар киришини таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, мазкур муносабатлар субъектлари бўйича ҳам фарқланади. Жумладан, товар бозорларида хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этса, молия бозорларида эса молия ташкилотлари иштирок этади. Бошқача айтганда, молия ташкилотлари товар бозорларидаги хўжалик юритувчи субъектлардан фарқли ўлароқ улар махсус ҳуқуқ лаёқатга эга бўлиб, фаолиятини лицензиялар асосида олиб борадилар. Хусусан, банклар, суғурта компаниялари, лизинг компаниялари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, молия ташкилотлари ҳисобланади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминлашда монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш билан бирга мамлакатнинг ташқи савдоси ва иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари доимо эътиборга олиниши лозим. Чунки, давлат томонидан савдо чекловлари иқтисодиёт учун наф келтирмаслиги мумкин. Шу билан бирга иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига таъсир эувчи омиллардан бири иқтисодиётнинг шаффофлик яъни очиқ иқтисодиёт даражаси ҳисобланади.

Бунинг маъноси шуки, иқтисодиётни либераллаштириш ва очик иқтисодиёт тушунчаларини бир-биридан фарқлай олиш керак. Иқтисодиёт очиклиги тушунчаси товарлар савдоси, жумладан, аъъанавий ишлаб чиқариш омиллари ҳаракати, ахборот, технологиялар, миллий валюталар ўзаро алмаштирилишини ўз ичига оладиган либераллаштириш тезисидан кенгрокдир.

Мамлакат ички бозорининг ҳажми ва унинг иқтисодий ривожланиш даражаси, унинг ишлаб чиқаришда, халқаро молия бозори операцияларида иштирок этиши ва бошқа кўрсаткичлар иқтисодиётнинг очиклик даражаси ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланганлик савиясига таъсир этувчи омиллар ҳисобланади.

Магистрлик диссертация ишида Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётини рақобатдошлигини таъминлашда ташқи савдода эркинлаштириш сиёсатларининг оптимал нисбатини топиш мақсадида иқтисодий ўсиш суръатлари билан ташқи савдога таъсир этувчи омиллар орасидаги боғланиш тенденциялари ўрганилди (9-жадвал).

9-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси

Йил	ЯИМ (млн.долл)	ЯИМнинг ўсиш суръати, %	Ялпи ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт	Иқтисо- диётнинг очиклик даражаси, %
2000	13 741,0	3,8	6 212,1	3 264,7	2 947,4	45,21
2001	11 645,0	4,2	6 307,3	3 170,4	3 136,9	54,16
2002	9 689,3	4	5 700,4	2 988,4	2 712,0	58,83
2003	10 135,2	4,2	6 689,2	3 725,0	2 964,2	66,00
2004	12 029,9	7,7	8 669,0	4 853,0	3 816,0	72,06
2005	14 307,8	7	9 500,1	5 408,8	4 091,3	66,40
2006	17 329,7	7,3	11 171,4	6 389,8	4 781,6	64,46
2007	22 309,3	9,5	15 719,6	8 991,5	6 728,1	70,46
2008	27 916,0	9	19 077,0	11 572,9	7 504,1	68,34
2009	34 000,8	8,1	21 209,6	11 771,3	9 438,3	62,38
2010	38 985,6	8,5	21 842,4	13 044,5	8 797,9	55,03
2011	45 249,1	8,3	22 271,4	13 756,2	9 023,4	58,41
2012	49 853,7	8,2	22 896,9	14 177,3	9 365,7	57,87

9-жадвал маълумотлари миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминлайди. Таъкидлаш жоизки, кузатилган даврда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида муттасил ўсиш ва кейинчалик барқарор иқтисодий ўсиш даври бўлди. Иқтисодиёт очиклик даражаси асримизнинг бошида анча паст (45% атрофида) бўлган ва у кейинчалик давлатнинг ташқи савдони либераллаштиришга оид қарорларига асосан 2004 йилда 70%га кўтарилган, ammo жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi таъсирида ушбу кўрсаткич 2010 йилда 55 %га тушиб қолган. Демак, миллий иқтисодиётни рақобатдошлигини оширишда иқтисодиётнинг очиклик даражаси катта роль ўйнайди.

10-жадвал

Протекционизм ва либераллаштириш сиёсатларининг қиёсий тавсифи

Таққослаш соҳалари	Савдо чекловлари оқибатлари	Либераллаштириш
Асосий вазифа	Ички бозорда хорижий рақобатнинг сусайиши	Хорижий бозорларда миллий товарлар рақобати учун тўсиқларни йўқотиш, ички бозорда рақобатни ривожлантириш.
Асосий қўлланиш соҳаси	Ички бозор	Хорижий бозорлар ва ички бозор.
Амал қилиш механизми	Ички бозорга киришнинг чекланиши	Хорижий бозорларга чиқишнинг таъминланиш чоралари.
Асосий оқибатлари		
Миллий иқтисодиётга таъсири	Махсус ҳуқуқлар ва имтиёзларни кенгайтиради, тўлов баланси позицияларини юмшатади, ишлаб чиқарувчиларнинг ресурсларини қисқартиради, истеъмолчиларнинг танлаш имкониятини камайтиради	Ички бозорда ҳуқуқлар ва имтиёзларни тенглаштиради, тўлов баланси тақчиллигига қўмаклашади, ресурслардан оқилонароқ фойдаланишга олиб келади, истеъмолчиларнинг танлаш имкониятини кенгайтиради.
Халқаро савдога таъсири	Халқаро савдонинг кенгайишига тўсқинлик қилади	Халқаро савдонинг кенгайишига хизмат қилади.
Рақобатнинг ривожланиши	Ички бозорда рақобат сусаяди, Мамлакат корхоналарнинг рақобат позициялари мустаҳкамланади	Ички ва хорижий бозорларда рақобат кучаяди, миллий корхоналарнинг хорижий бозорлардаги рақобат позициялари яхшиланади
Устунликларнинг тақсимланиши	Рақобатбардошлилиги энг паст бўлган айрим корхона ва тармоқлар устунликни қўлга киритади	Рақобатбардошлилиги энг юқори бўлган корхона ва тармоқлар, истеъмолчилар устунликни қўлга киритади, иқтисодиётнинг ўсиш суръати ортади.

Бир қатор мамлакатларнинг кўп йиллик ривожланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, пухта ўйлаб тузилган, самарали ташқи савдо сиёсати тузилма сиёсати номи билан танилган кенгроқ хўжалик стратегиясининг бир қисмигина бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида айнан чуқур ўйлаб ишлаб чиқилган тузилма сиёсати амалга оширилаётганлиги туфайли ташқи савдони ривожлантириш ва тартибга солиш масалалари ҳақиқий миллий манфаатларни кўзлаб ҳал этилмоқда. Бу эса албатта миллий корхоналарни рақобатбардошлик даражасини ривожланишига катта таъсир ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатнинг рақобатбардошлилигини оширишни таъминлаш ва бунинг учун иқтисодий таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш муҳим устувор вазифа эканлигини таъкидлай бориб, шундай дейди: “Биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлилигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга оширишга қаратилиши лозим. Рақобатбардошлиликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодиётни ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин”¹¹.

Иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини таъминлаш учун эса монополияга қарши сиёсатнинг муҳим дастакларидан бири бўлган давлатнинг савдо сиёсатини самарали тарзда олиб бориш, шу жумладан, либераллаштириш ва протекционизмнинг энг мақбул нисбатини амалга ошириш зарурдир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва

¹¹ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012 йил, 19-20-бетлар.

фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида илгари сурилган бир қатор қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш демократик бозор ислохотларини ва иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштиришнинг зарурий шарти бўлиб ҳисобланади.

2. Монополияга қарши бошқарувни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштиришда хориж тажрибаси

1890 йилда дунёдаги энг биринчи Монополияни чеклаш қонуни (бундан қулайлик учун “антимонолия қонуни” дея қисқартирилади) бўлган Шерман актини қабул қилгандан сўнг, монополияга қарши курашиш сиёсати АҚШ томонидан иқтисодий сиёсатнинг юрагини ташкил этиб келмоқда. Шерман акти қоидаларига асосланган антимонополия қонунчилигини иккинчи жаҳон урушидан сўнг эркин иқтисодий тизимга кирувчи кўпгина давлатлар қабул қилдилар. Бунга мисол қилиб, Германия бошлиқ Европа Иттифоқи давлатлари ва Японияни келтириш мумкин. Ҳозирда, ривожланаган давлатларнинг деярли кўпчилиги (барчаси эмас), шу билан бирга, ривожланаётган давлатларнинг кўпчилиги ҳам антимонополия қонунчилигига эга. Чунки, эркин иқтисодийнинг функцияларини амалга ошириш учун антимонополия қонуни орқали рақобатни чеклашга қаратилган ҳаракатларнинг тартибга солиниши зарурати АҚШ, Европа Иттифоқи ва Япония каби антимонополия қонунларига эга бўлган давлатлар иқтисодий ривожидан бошқа ҳар бир давлат ҳулоса чиқариб турибди.

Антимонополия ҳуқуқи эркин иқтисодий тизимни шарт сифатида қўяди ва шу сабабли давлат назорати остида бошқариладиган коммунистик ва социалистик тузумга эга давлатлар билан алоқаси йўқдир. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг узок давом этган совуқ уруш натижасида Ғарб ва Шарқ давлатлари эркин иқтисодий тизим ва коммунистик тузум блокларига бўлинган бўлсада, иқтисодий ривожланиш ва аҳоли яшаш даражасидаги

эркин иқтисодиёт тизимининг устунлиги яққол намоён бўлиши билан коммунистик режимлар кетма-кет кулади ва Шарқ давлатларида ҳам эркин иқтисодиёт тизими қарор топди. Эски коммунистик давлатлар (Шарқий Европа, Россия, Марказий Осиё давлатлари) навбат билан антимонополия қунунларини қабул қила бошладилар. Хитой сиёсий жихатидан коммунистик тузум бўлсада, иқтисодиёти эркин бозор иқтисодиёти тизимига ўтмоқда. Бозор иқтисодиётини ҳаракатга келтириш учун антимонополия қунунчилиги ўта зарур бўлиб, 2008 йил 1 августда Хитой ҳам Европа Иттифоқининг антимонополия қонунчилиги таъсири кучли бўлган ўзинининг антимонополия қонунини қабул қилди.

Осиё давлатлари орасида ҳам эркин иқтисодий тизимга кирувчи ривожланаётган давлатлар кўп бўлишига қарамасдан саноат ривожига сабабидан социалистик давлат бошқаруви шаклини кўпгина давлатлар юритиб келганлар. Бироқ иқтисодий ривожланиш учун бозор иқтисодиёти механизмлари муҳимлиги англашилгач, антимонополия қонунчилигини ўрнатаётган давлатлар дунёда тобора ўсиб бормоқда. Йирик давлатларнинг барчасида ушбу қонунчилик мавжуд бўлиб, кичик ва ўрта даражадаги давлатларнинг кўпи ҳам антимонополия қонунини қабул қилдилар.

Шундай қилиб антимонополия қонуни ҳозирги замонда кенг ёйилган қонунга айланди. Аммо антимонополия қонунчилиги берадиган натижа ва унинг моҳияти юзасидан жаҳонда иттифоқ юзага келмаган. Дастлабки антимонополия қонунчилиги ватани ҳисобланган АҚШ антимонополия қонуни ҳали-ҳамон жаҳондаги ушбу тизимга эга давлатлар қонунчилига таъсирини давом эттирмоқда. Шунга қарамасдан, АҚШ қонунчилиган фарқли бўлган тартибга солиш мезонларини ўз ичига олган антимонополия қонунчилигини ўзга давлатларда кўплаб учратиш мумкин. Шу билан бирга АҚШнинг антимонополия қонунчилиги ҳам қабул қилинганидан кейинги 120 йил давомида катта ўзгаришларга учраб, сўнгги 20 йил ичида унинг мезонлари ҳақидаги кескин илмий тортишувлар давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг монополияга қарши қонунчилиги, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги сингари, рақобатни қуйидаги воситалар орқали тартибга солади:

- устун мавқени суиъстемол қилишга таъсир кўрсатиш;
- рақобатни чеклашга йўналтирилган келишув ҳаракатларини назорат қилиш ва йўл қўймаслик;
- иқтисодий концентрацияни тартибга солиш.

Бироқ, бу ҳуқуқий меъёрларни ҳам қонунчилик, ҳам амалий жиҳатдан қўлланилишида бир қатор фарқ қилувчи ҳолатлар мавжуд.

Устун мавқенинг суиъстемол қилиниши. Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонунига кўра бозор улуши 65%дан юқори бўлган корхоналар устун мавқега эга ҳисобланадилар, 35-65% улушда устунлик кўшимча омилларни таҳлил қилиш орқали аниқланади: бозорнинг барқарорлиги, рақобатчиларнинг нисбатан улуши, тармоққа киришда тўсиқларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Таққослама таҳлил шуни кўрсатадики, корхонани устун мавқега эга деб ҳисобланиши учун бозор улушининг «эталон» ҳажми мавжуд бўлмай, ҳар бир мамлакат уни ўз мезонига кўра аниқлайди. Масалан, бу улуш Польша ва Чехияда - 40%, Венгрияда - 25-30%, Россияда - 35-65%, АҚШда - 70%, Канадада - 35%, Европа Иттифоқида - 40-50%. АҚШ, Канада, ЕИ ва бошқа қатор мамлакатлар қонунида бозор улушлари кўрсатилмаган, устунлик эса прецедент ҳуқуқ асосида аниқланади.

Бироқ, Ўзбекистон қонунчилигининг хориж қонунчилигидан асосий фарқи шундаки, хориж қонунчилигида бозор улуши монополияга қарши мажбурий чоралар ва жазолар тўғрисида қарор қабул қилишда хулоса чиқарувчи ва қатъий омил бўлиб ҳисобланмайди. Хорижда бу улуш фақат устунлик мавқеи тўғрисида қариш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ҳал қилувчи мезон бўлиб эса, бозорда ҳукмрон мавқега эга бўлган корхона ўзининг ҳатти-ҳаракатлари билан етказган амалдаги зиён ҳисобланади.

Таассуфки, Ўзбекистон қонунчилигида бу ҳолатга етарли эътибор берилмай, натижада ўз монопол мавқеини суиъстемол қилмаган корхоналарга нисбатан монополияга қарши тартибга солиш чора-тадбирларини қўллаш имконини беради.

Рақобатни чеклашга йўналтирилган келишув ҳаракатларини назорат қилиш ва йўл қўймаслик. Хорижий амалиётда бундай ҳатти-ҳаракатлар монополияга қарши органларнинг асосий эътиборини жалб этиб, жуда каттик жазоланади. Масалан, АҚШда рақобатни чекловчи битимлар тузганлик учун корпорациялардан 10 млн. долларгача, жисмоний шахслардан эса 350 минг долларгача жарима ёки суднинг қарорига кўра 3 йил қамоқ жазоси белгиланган. Ўзбекистонда бундай ҳаракатлар учун энг юқори жарима энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдорида (2004 йилнинг бошига бу 2,7 минг долларни ташкил этади) белгиланган. Мазкур жариманинг профилактик функциясига умид боғлаш мумкинми? Бунинг устига фақат бозордаги томонларнинг улуши 35% ва ундан кўпроқни ташкил этган ҳоллардагина бу қоидабузарлик ҳисобланади. Холбуки, нархни қатъий белгилаш ёки бозорни бўлиб олишга йўналтирилган келишувлар корхоналарнинг бозордаги улушидан қатъий назар рақобатни чеклаб қўйиши ва бошқа ҳалол рақобатчиларнинг ҳуқуқларини бузиши мумкин. Бундай ёндошув оқибатида кўплаб ҳуқуқбузарлар бизда жазоланмай қоладилар.

Иқтисодий концентрацияни тартибга солиш. Турли мамлакатларнинг монополияга қарши идоралари иқтисодий концентрациялар устидан қатъий давлат назорати сиёсатини олиб борадилар. Ғарб мамлакатларининг рақобат тўғрисидаги қонунчилигини амалга оширишда шов-шувларга сабаб бўлган суд жараёнлари ҳам қўшилиш ёки қўшиб олишлар борасидаги битимлар оилан боғлиқ. Бу битимларни аниқлашда турли мезон ва ёндошувлар қўлланилади. Баъзи бир мамлакатларда (масалан, ЕИнинг бир қатор мамлакатларида) мезон сифатида томонлар айланмаси қийматининг миқдори хизмат қилса, бошқаларида активлар қийматининг миқдори ёки сотиш ҳажми (Жанубий Кореяда бу кўрсаткич 100 млрд. вондан кўпроқ), яна бошқаларида

штирокчининг бозор улуши хизмат қилади. Майда компанияларнинг кўшилиб кетиши рақобат учун хавф туғдирмасда, бироқ монополияга қарши органлар тегишли текширув ҳамда аралашувларни олиб бориш ҳуқуқига эгадирлар.

АҚШнинг трастларга қарши сиёсати тарихи 1890 йилдаги Шерман актини қабул қилиш билан бошланади. Ўша вақтда АҚШда нефть, пўлат ва транспорт каби муҳим саноат соҳаларининг деярли барчасида Стандарт Ойл сингари катта компаниялар ўз рақобатчиларини ё қўшиб олиш ёки улар билан бирлашиш сиёсати орқали монополия ҳолатни авжга чиқаришаётган эди. Катта компаниялар бирлашмаси “Траст” деб номланиб, унга қарши бўлган деҳқон-фермерлар марказий кучни эгаллаган аҳоли қатламининг ҳаракати эса “анти-траст” деб номланган. Анти-трастга оид қонунчиликни ишлаб чиқиш ҳақидаги аҳолининг демократик талабига биноан, Конгресс бозордаги рақобатни ҳимоялайдиган Шерман акти (Қонун қабул қилинишига бошчилик қилган сиёсатчи исми, АҚШ Конгрессида бу одат тусини олган)ни қабул қилади. Шундай бўлсада, Шерман актининг асосий моддалари атиги 2 модда бўлиб, рақобатни қўллаб-қувватлашга доир жуда ҳам мавҳум бўлган сўзларни қайд этиш билан чекланади, холос.

Шерман актидан ҳам кўра аниқроқ тартибга солиш стандартларни белгилаш ниятида 1914 йилда Конгресс Клэйтон қонуни ва Фэдерал Савдо Комиссияси қонунини қабул қилди (АҚШ анти-траст қонунчилиги юқоридаги уч қонундан ташкил топади). Бироқ бу икки қонун ҳам мавҳумликда Шерман актидан қолишмайдиган тарзда ёзилган. Анти-траст қонунининг тартибга солиш мезони эса вақти-вақти билан тартибга солиш органи ва судларнинг қонунни изоҳлашига таянади. Шунинг учун рақобат қандай бўлиши лозимлигига оид фикрлашнинг ўзгаришига қараб анти-траст қонунининг ҳаётга татбиқ этилиши ҳам ўзгариб келган.

Шерман акти қабул қилингандан сўнг то 1970 йилларнинг бошларига қадар АҚШ демократиясини қўллаб келган кичик ширкатлар, ўрта ва кичик корхоналарни ҳимоялаш мақсадида иқтисодий кучнинг марказлашишини

тақиқловчи сиёсий ва ижтимоий мақсад устунликка эга бўлиб, рақобат механизмининг ҳаракатланишига асосланган иқтисодий унумдорликни оширувчи иқтисодий мақсадни чеклаб келган. Ушбу мақсадда, анти-траст сиёсати кичик ва ўрта бизнесни ҳимоялаш учун катта компанияларнинг фаол равишдаги рақобатлашувчи ҳаракатларини чеклаб, рақобатнинг фаоллашувини пасайтирган ҳолда иқтисодий унумдорликка ҳам зарар етказди. Ушбу даврга қадар АҚШ саноати жаҳон иқтисодиётида кучли халқаро рақобатлашув кучига эга бўлиб, унумдорликнинг пасайишидан келадиган зарарни ҳам қоплай олган.

Бироқ 1970 йиллар ўрталарига келиб, АҚШ саноатининг халқаро даражадаги рақобатлашув кучи пасайган. Шу сабабли, иқтисодий унумдорликни оширишни мақсад қилган анти-траст сиёсатини юритиш лозим деган фикр устунликка эга бўлган. Шу даврдан бошлаб анти-траст сиёсатига нисбатан иқтисодиёт фанининг(economics) таъсири кучайди. Чикаго гуруҳи ва янги саноат тузилиши назарияси (post-Chicago) деб номланувчи иқтисодиёт фанидаги фарқланувчи гуруҳларнинг қарашлари анти-траст қонунининг татбиқ этилиш мезонларига таъсир этиб келмоқда.

Компаниялар ҳатти-ҳаракатларининг эркинлиги анти-траст қонуни томонидан қай даражада чекланиши лозимлиги сиёсий оқимга кўра фарқланиб, ва бу ўз навбатида АҚШ ҳукумати назаридаги анти-траст сиёсатининг муҳимлигини белгилаб беради. 1980 йиллардаги Республикачилар партиясидан сайланган Рейган ҳукумати мутлақ эркинлик назарияси (Рейганомика деб номланувчи иқтисодий сиёсатининг бир қисми)га асосланган ҳолда анти-траст сиёсатининг функциялари торайди. Аммо 1990 йилларда ҳукумат тепасига келган Демократ Клинтон ҳукумати бозордаги рақобат қоидалари ва анти-траст қонунининг муҳимлигини яна бир бор қайта баҳолаб, юқори даражадаги технология соҳасида бозорда устун мавқега эга бўлган компаниялар (Майкрософт каби)нинг рақобат стратегияларини анти-траст қонуни билан чеклаган ҳолда анти-траст қонуни ижросини фаоллаштирди. Ҳозирда, анти-траст қўмитаси hard koor kartel нинг

тартибга солинишига нисбатан актив бўлсада, ундан бошқа соҳалардаги анти-траст қонунининг татбиқи бўйича Демократик партия ҳукумати даври билан солиштирганда пассивдир.

Аммо АҚШда анти-траст сиёсати бўйича маъмурий органлардан ҳам кўра судларнинг ўринлари каттадир. Судлар сиёсий оқимга юрмасдан, суд қарорларини кўпайтириш орқали анти-траст қонунини татбиқ этиш мезонларини аста-секинлик билан ривожлантириб келишган.

Япониядаги Рақобат қонуни 独占禁止法 (*dokusenkinshihou*) дея номланади. Унинг таржимаси эса Антимонополия қонунидир. Бироқ японларнинг ўзлари ҳам бу сўзни қисқартириб, 独禁法 (*dokkinhou*) деб ишлатишади. Шу сабабли ҳам илмий китоблар ва илмий журналларда шундай юритилади.

Японияда бундан ташқари 競争法 (Рақобат қонуни) ҳам қўлланилади. Бироқ расмий қонуннинг номи доккинҳоудир.

Япония доккинҳоуси иккинчи жаҳон урушидан сўнг АҚШ қўшинлари раҳбарлиги остида қабул қилинганлиги сабабли, унга нисбатан АҚШ анти-траст қонунининг кучли таъсири бор. Ўша пайтда идеал анти-траст ҳуқуқи назарияси таъсири остида қолганлиги сабабли 1947 йилда қабул қилинган қонун АҚШ анти-траст қонунидан ҳам қаттиқроқ мезонлар (йирик корхоналарнинг бўлиниши, бирлашувнинг рухсатга асосланган тизими, келишиб олинган ҳаракатларнинг умуман таъқиқланганлиги) белгилаган. Бироқ АҚШнинг Японияга нисбатан сиёсати ўзгарган 1949 йилда доккинҳоу ўзгартирилиб, юқоридаги қаттиқ мезонлар бэкор қилинган. Ундан сўнг 1953 йилда доккинҳоу яна бир бор ўзгартирилган бўлсада, шу кунгача доккинҳоу моддалари бошқа умуман бўшаштирилмади. Ушбу 2 марта бўлган ўзгаришлар доккинҳоудаги қаттиқ мезонларни бекор қилишнигина кўзлаган бўлиб, қонун моддаларининг кучига таъсир қилгани йўқ.

1950 йилларга кириб келгач доккинхоу ижроси ўта тезлик билан кучсизлашиб, Савдо ва Ишлаб чиқариш Вазирлигининг саноат сиёсатига бўйсунадиган бўлиб қолди. Ушбу кучсизланиш доккинхоу моддаларининг кучсизланишини эмас, балки, биринчидан, истисноли тарзда доккинхоу татдбиқ этилмайдиган соҳаларнинг кенгайганлиги, иккинчидан эса қонунни ижро этувчи Адолатли Олди-Берди Қўмитаси (Kouseitorihikiiinkai ,公正取引委員会) нинг қонунни амалга татбиқ этиш фаолияти ўта даражада сустлашиб кетганлиги билан боғлиқдир. Аммо 1970 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб нефть инқироzi туфайли ўта даражада ошиб кетган нархларга қарши чора сифатида доккинхоуни кучайтириш ҳукумат сиёсатига айланиб, 1977 йилда доккинхоу янада кучайтирилган ҳолда ўзгартирилди (масалан, ноқонуний ҳаракатлар учун жарима жорий этилди). Шундай бўлсада, ундан кейин ҳам АҚШ ва ЕИ билан солиштирганда доккинхоунинг амалга татбиқ этилиши ишлари сони камлигича қолди.

Доккинхоу татбиқ этилиши борасидаги бундай пассивлик орқасида Япония сиёсатчилари ва ижро органлари томонидан доккинхоунинг заифлашуви ётади. Масалан, Адолатли Олди-Берди Қўмитасига қонунни Вазирлар Маҳкамасидан бирор кўрсатмасиз татбиқ этилиши ҳуқуқи берилган бўлсада, қўмитанинг бюджети ва ходимлари Вазирлар Маҳкамаси ва Парламент томонидан белгиланади. Доккинхоуни ўзгартириш ваколати ҳам Вазирлар Маҳкамаси ва Парламент қўлида. Шу билан бирга, Япония иқтисодий бошқаруви саноат сиёсати томонидан бошқарилиб, унда доккинхоу функцияларининг заифлашуви мавжуд бўлган. Сиёсатчилар ва бюрократларга қўшимча равишда бизнес доиралари (хусусий сектор) ҳам доккинхоу ижросини пассивлаштириш Япония иқтисоди учун фойдали дея ўйлашган.

3. Давлат томонидан монополияга қарши бошқарувни тартибга солишнинг устувор йўналишлари

Иқтисодиётдаги рақобат даражаси ва монополиялар ўртасидаги нисбат давлат томонидан доимий назоратга олиниб, унинг оптимал даражасини таъминлаш борасида мунтазам равишда чора-тадбирлар амалга оширилиб борилиши лозим. Жумладан, давлат томонидан ишлаб чиқаришни таркибий ислоҳ қилиш механизмининг шакллантирилиши бу борадаги муҳим йўналишлардан ҳисобланади. Бу механизмни ўзаро боғлиқ икки дастур орқали ифодалаш мумкин.

Биринчи дастур — корхоналар фаолияти шакллари ва уларнинг ташкилий тузилмаларини монополиядан чиқариш. У корхоналар хўжалик юритиш ташкилий шаклларининг ташқи ўзгаришларига тааллуқлидир. Мазкур дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

- саноат тармоқлари бўйича корхоналар сонининг кўпайиш томонга миқдорий ўзгариши;
- кўплаб корхоналар миқёс тавсифлари (ҳажмлари)нинг қисқариш томонга ўзгариши;
- иш фаолияти шакли ва тамойили жиҳатидан умуман янги корхоналарнинг пайдо бўлиши.

Иккинчи дастур - корхона фаолиятини бошқариш шакл ва усулларини монополиядан чиқариш. У саноат корхоналари фаолиятидаги ички ўзгаришларга тегишли бўлиб, фирма ички бошқаруви, хўжалик юритиш усулларининг шакл, тузилмаларини типларга ажратади, хўжалик юритиш стилининг кенг доирасини тақозо этади. Мазкур дастур ўз ичига қуйидагиларни олади:

- фирмани бошқаришнинг ташкилий тузилмасини ўзгартириш;
- хўжалик юритишнинг усуллари, тамойиллари, мотивлари ва рағбатлари: режалаштириш механизми, моддий-техника таъминотини ташкил этиш, маҳсулотни сотиш ва бошқаларни ўзгартириш.

Таркибий монополиядан чиқариш бўйича биринчи навбатда амалга оширилиши лозим бўлган ислохотларга тўхталиб ўтамиз. У ўз ичига тармоқ ҳамда миқёс жиҳатдан монополиядан чиқаришни олади.

Тармоқ жиҳатидан монополиядан чиқариш – бу миқдор ўзгариши бўлиб, корхоналар сонини ўзгартиришдан иборат. Корхоналар ўртасидаги ички тармоқ рақобати вужудга келиши учун бундай корхоналарнинг рақобатга киришувчи сонини таъминлаш лозим.

Хорижий андозаларга кўра, корхоналар ўртасида монополь шаклида бўлса ҳам рақобат пайдо бўлиши учун бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчи бир йўналишдаги корхоналар сони 20 тадан кам бўлмаслиги лозим. Шунга мувофиқ, ишчи кучи ресурслари бозорини таркиби топтирувчи бир йўналишдаги ёлланма ишловчиларда иш жойини танлаш имконияти пайдо бўлади.

Мутахассислар ўртасидаги рақобат эндиликда шунчаки ишчи ўрни учун эмас, балки нисбатан фойдали, манфаатли ишчи ўрни учун боради. Худи шундай таҳлитда мазкур корхона учун меҳнат воситаси ва предметларини етказиб берувчи корхоналар ўртасидаги рақобат ҳам ривожланиши мумкин. Уларда ҳам ўз маҳсулотини нисбатан фойдали тарзда етказиб беришда танлаш имконияти пайдо бўлади.

Бироқ, бу ерда рақобат муҳитининг қарор топишида асосий хавф ётади. Асосан ишлаб чиқаришда корхоналарнинг рақобатлашувчи сонининг пайдо бўлиши билан уларнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур бўлган техника, технология, асбоб-ускуна, шунингдек, материаллар, бутловчи қисмларни етказиб берувчи корхоналарнинг ҳам рақобатлашувчи сони вужудга келиши лозим. Бу энг аввало ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир хилдалиги билан шартланган технологик монополизмни бартараф этиш учун зарур.

Барча ривожланган мамлакатлардаги товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат аллақачон технологиялар рақобатига айланган. Агар технологик монополия исканжасидан халос бўла олинмаса, у ҳолда ҳеч

қандай рақобатни таъминлаб бўлмайди. Чунки рақобатбардош маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган секторини ривожлантириш учун истикболлар пайдо бўлмайди. Бошқача айтганда, асосий ишлаб чиқаришнинг рақобат муҳити ресурслар билан таъминланган бўлишибўлиши лозим, яъни янги ташкил этилаётган корхоналар қай даражада ресурслар билан таъминланганлиги ҳисобга олиниши лозим. Акс ҳолда монополияларни фақат миқдор жиҳатдан қайта ташкил этишдан ҳеч қандай наф бўлмай, ташкил этилаётган корхоналар ҳаётга лаёқатсиз бўлиб қолади.

Ресурслар бозорида рақобатнинг мавжуд бўлмаслигининг бир қатор салбий ҳолатларини белгилаб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

- биринчидан, асосий ишлаб чиқаришни таркибий қайта тузиш натижасида мазкур ишлаб чиқариш учун зарур бўлган маҳсулот истеъмолчилари сони кўпаяди, унга бўлган талабнинг миқдорий тавсифлари ошади, бироқ, шу билан бирга, ресурсларни етказиб берувчи корхоналарнинг қувватлари, имкониятлари (кадрлар бўйича, технологик, молиявий) ва тўловга лаёқати илгариги даражада қолади. Шунга мувофиқ, бу корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажми ўсмайди. Бу ҳолат улар маҳсулотининг асосий ишлаб чиқариш истеъмолчилари учун шубҳасиз равишда етишмаслигини шартлайди. Натижада асосий ишлаб чиқаришдаги гаги ташкил этилган корхоналар кўпчилигининг ресурслар билан таъминланмаслиги ва банкротлигига олиб келади;

- иккинчидан, ресурс етказиб берувчи корхоналар маҳсулотининг тақчиллиги ушбу корхоналар учун бевосита қулай ҳолатни яратади ва уларнинг маҳсулотлари учун нархларнинг монопол равишда ўсиши учун имкон яратади;

- учинчидан, ресурс етказиб берувчи корхоналар ўз аҳамиятларини сезган ҳамда рақобат муҳити мавжуд бўлмаган шароитда ҳаракат қилган ҳолда ўз маҳсулотини такомиллаштириш, унинг сифатини оширишдан манфаатдор бўлмай қоладилар. Бундан ташқари, ресурсларни етказиб

берувчилар соф монополист бўлиб қолар экан, асосий ишлаб чиқаришнинг барча товар ишлаб чиқарувчилари учун нарх ҳам, хом-ашё сифати ҳам, технологиялар ҳам бир хилда қолади. Бу эса, корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бир турда бўлиши, уларнинг рақобат салоҳияти энг паст даражага тушиб кетишидан дарак беради ҳамда янги ташкил этилган корхоналарнинг кўпчилигини ёпилишига олиб келади.

Шунга кўра, у ёки бу тармоқ таркибий жиҳатдан қайта ташкил этиш муваффақиятли равишда давом этиши учун у иқтисодиётнинг барча тармоқларида фирмаларни монополистик рақобатни таъминловчи минимал сонига қадар ўстирувчи занжирли реакция билан боғлиқ ҳолда бориши лозим.

Шундай қилиб, ресурс етказиб берувчилар билан бўлган ўзаро муносабатларни миқдор жиҳатидан тармоқ монополиясидан чиқаришни амалга оширишдаги дастлабки муҳим ҳолат деб аташ мумкин бўлиб, уни янги ташкил этилаётган рақобатли тармоқ тузилмасидаги ишчанликни сақлаб қолишда эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Иккинчи муҳим ҳолат бўлиб корхоналарнинг банклар билан ўзаро муносабати ҳисобланади. Янгидан пайдо бўлаётган рақобат муҳитидаги ҳар бир корхона яшаб қолиши учун молиялаштириш, кредитлаш манбаига эга бўлиши лозим (айниқса молиявий қўллаб-қувватлаш корхонанинг ташкил топиши ва очилиши даврида жуда зарур бўлади). Агар банк соҳасида ўз капиталини ишлаб чиқаришга жойлаштириш учун қизиқиш бўлмаса, у ҳолда ишлаб чиқариш соҳасида янги пайдо бўлган рақобат муҳитини молиявий қўллаб-қувватлашни таъминлаш мумкин эмас.

Ишлаб чиқариш соҳасида рақобат муҳитини яратишда учинчи муҳим ҳолат бўлиб саноат корхоналарининг харидорлар ёки улгуржи ва чакана савдо-воситачи корхоналар билан ўзаро муносабатлари ҳисобланади.

Савдо тармоғи, хизмат кўрсатиш соҳасининг мустақкам инфратузилмаси ҳам шунингдек таркибий ислохотлар давомида ташкил «этилаётган рақобатлашувчи ишлаб чиқариш фирмаларига хизмат

кўрсатишга тайёр туриши лозим. Улар тармоқдаги соф монополия ёки олигополия шароитида фирма ўз товарининг харидорларини мустақил равишда топа олиши учун саноат корхоналари ва маҳсулотнинг пировард истеъмолчилари ўртасида воситачига айланиши лозим. Халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги ўзаро рақобатлашувчи корхоналар сонининг кўпайиб бориши билан бу муаммо тобора мураккаблашиб бормоқда. Фирма учун нисбатан нафли бўлган ресурс етказиб берувчи ва харидорни танлаш :стратегиясини ишлаб чиқиш зарурияти вужудга келмоқда. Шу билан бирга Мрмоқ монополиясидан чиқариш ислохотлари саноат корхоналарининг савдо воситачиларига бўлган қизиқишини орттирмоқда. Соғлом пул муомаласини тиклаш учун ишлаб чиқарувчиларнинг савдо-воситачи ташкилотлар хизматидан фойдаланиш истагининг ўзи етарли эмас. Саноат корхоналари сонининг ўсиши ҳамда товарлар сифати ва ассортиментининг ошиши билан боғлиқ ҳолда савдо-воситачилик ташкилотлари сонининг кўпайиши уларнинг ҳалол савдога бўлган қизиқишини оширади ва рақобатни кучайтиради. Савдо фирмаларида спекулятив операциялар ҳисобига эмас, балки товар ишлаб чиқарувчилар билан нисбатан фойдалироқ алоқаларни ўрнатиш натижасида бир-биридан ўзиб кетиш имконияти пайдо бўлади.

Мисол учун, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бўйича Қўмита томонидан ўтказилган қурилиш материалларига нархнинг шаклланиши ва товарнинг ҳаракати тартибининг таҳлили шуни кўрсатадики, воситачилар иштирокида материаллар харид қийматига устама қўлланиши ҳисобига нарх даражаси 10 дан то 48%га қадар ўсади.

Қурилиш материалларининг қимматлашувига олиб келувчи омиллардан яна бири бўлиб идоравий монополизм ҳисобланади. Идоравий монополизм бозорда нисбатан арзон қурилиш материаллари мавжудлиги шароитида ўзига қарашли қурилиш индустрияси корхоналари маҳсулотини истеъмол қилиш орқали намоён бўлади. Мазкур ҳолатни бартараф этиш мақсадида қўмита томонидан қурилиш индустрияси корхоналарини қурилиш

комплекси уюшмалари, бирлашмалари, корпорациялари таркибидан чиқариш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш таклиф этилди.

Маълумки, Ўзбекистонда бозор ислохотларининг дастлабки босқичидан бошлаб монополияга қарши сиёсат олиб борилмоқда. Озиқ-овқат товарлари бозорининг таҳлили шуни кўрсатадики, баъзи бир озиқ-овқат товарларини импорт қилиш ва экспортини чеклаш ҳисобига талаб ва таклифнинг нисбатан баланси амал қилади. Мамлакатнинг озиқ-овқат ва қайта ишлаш корхоналари маҳаллий бозорларни тўласича назорат қилади. Монополист корхоналар давлат реестрига «Ўзозиковқатсаноат», «Ёғмойтамакисаноат», «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» тизимларининг ўз фаолиятини республика товар бозорида олиб боровчи бта корхонаси ҳамда маҳаллий товар бозорларида олиб боровчи 135 та корхонаси киритлиган. Асосий озиқ-овқат товарларининг тор ассортименти аҳоли талаб ва таклифининг ўзгарувчан таркибига жавоб бера олмайди. Тармоқ корхоналари хом ашёнинг етишмаслиги сабабли паст қувват билан ишлайди.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги технологияларни жорий этиш, қувватлардан фойдаланиш коэффицентини ошириш, ассортиментни кенгайтириш, рақобатбардошлик сифатини ошириш бозорни тўйинтириш, унинг эҳтиёжларини таъминлаш имконини беради.

Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, кўмита томонидан «Узозиковқатсаноат», «Узнонмахсулот», «Узгўштсутсаноат», «Ёғмойтамакисаноат», «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» уюшмалари бўйича монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш борасида 5 та тармоқ дастури ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Бундай дастурларни ишлаб чиқилишининг зарурлиги қуйидагилар билан шартланади:

- ишлаб чиқариш соҳасининг монополлашуви, ички товар бозорлари ривожланишининг хусусиятлари;

- баъзи бир хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқаришининг тушкунликка юз тутиши натижасида бошқаларида монополизмнинг кучайиши;

- товарлар алоҳида гуруҳларининг тақчиллиги;

- кичик ва ўрта хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг зарурлиги.

Кўзда тутилган тадбирларнинг бажарилиши таҳлили шуни кўрсатадики, санаб ўтилган тармоқларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш амалга оширилмоқда. Мойни идишларга қуйиш бўйича шниялар ишга туширилди, эскирган асбоб-ускуналарни алмаштириш амалга оширилмоқда.

Озиқ-овқат саноатининг деярли барча корхоналарида тармоқ дастурига мувофиқ равишда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда.

Миқёс жиҳатдан монополиядан чиқариш - саноат корхоналарининг миқёс ва ҳажмларини ўзгартириш, кичик ва ўрта корхоналар тармоғини яратишдан иборат. Ишлаб чиқариш шакллари миқдор жиҳатдан монополиядан чиқариш билан бир вақтда миқёс жиҳатдан ҳам монополиядан чиқаришни ҳам амалга ошириш зарур. Бизнинг мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишни комбинатлар, трестлар ташкил этишдан бошлаш мумкин эмас. Бундай монополь тузилмалар хорижий мамлакатларда бозордаги рақобат кураши таъсири остида, капиталнинг концентрациялашуви натижасида ташкил топган бўлса, бизда ўз умрини ўтаб бўлган тизимнинг қолдиғи бўлиб ҳисобланади.

Табиийки, миқдор жиҳатидан монополиядан чиқаришни амалга ошириш, яъни бир турдаги товар ишлаб чиқарувчилар сонини кўпайтириш орқали эски саноат гигантлари қаторига янгиларини қўшиш иқтисодий маънога эга эмас ва буни амалга ошириб ҳам бўлмайди. Ҳар қандай янги, бунинг устига йирик миқёсдаги қурилиш бизнинг иқтисодиётимиз учун

нафақат фойдасиз, балки имконият даражасидан ташқарида ҳисобланади. Зарар кўриб ишловчи корхоналарни ярим маъмурий асосда концернларга, молия-саноат гуруҳларига бириктириш орқали миллий ишлаб чиқаришни янада кўпроқ концентрациялашувига кўмаклашиш нафақат мақсадга номувофиқ, балки халқ хўжалигининг мувозанатлашганлиги ва молиявий барқарорлик нуқтаи назаридан имкон даражасида эмас.

Шунинг учун, бизнинг фикримизча, тармоқ монополиясидан чиқариш экстенсив эмас, балки интенсив – мавжуд саноат корхоналарини йириклаштиришдан қайтариш усули орқали амалга оширилиши керак. У ёки бу тармоқда амал қилувчи корхоналар бир-бирлари билан жиҳозланиши, кадрлар билан таъминланиши, ишлаб чиқариш ҳажми, ва асосийси, миқёси ва қуввати бўйича таққослана олиши лозим. Шунга кўра йирик вამ айда корхоналар ўртасидаги рақобат тўғрисида гапириш мумкин эмас. Айниқса, кўплаб миқдордаги янги кичик ва ўрта корхоналарни бирданига ташкил этиш мумкин эмас, уларнинг сони чекланган бўлиб, йирик корхоналарга қарши тура оладиган ҳолатда бўлмайди.

Айни пайтда ҳар қандай рақобат муҳити майда ва ўрта корхоналарнинг кенг тармоғи мавжуд бўлишини тақозо этади. Биринчидан, улар ҳаракатчан, истеъмол бозорлари конъюнктурасини яхши сезади, беқарор иқтисодий муҳит шароитида ўз фаолиятлари стратегиясини тезлик билан ўзгартириш қобилиятига эга, рақобатни қўллаб-қувватлаш қафолатланади; иккинчидан, аҳамиятли дарададаги меҳнат ресурсларини сафарбар этиб, қўшимча ишчи ўринларини яратади; учинчидан, ўзига хос буфер ролини бажариб, иқтисодий ислохотлар даврида йирик компанияларни банкротликдан сақлайди, мамлакат иқтисодиётини нисбатан барқарор қилади.

Бизнинг шароитда фаолият юритаётган корхоналарни йириклаштиришдан қайтариш майда ва ўрта корхоналар тармоғининг пайдо бўлишига жиддий таъсир кўрсатди. У «Объектларнинг хўжалик юритувчи жамиятлар ва шерикчиликлар таркибидан чиқариш тартиби тўғрисидаги Низом» асосида амалга оширилмоқда.

Таъкидлаб ўтилган қарорга мувофиқ мамлакатимиздаги бозор ислохотларининг биринчи босқичида монополистик тузилмаларни йириклаштиришдан қайтариш бўйича туб чора-тадбирлар қўлланилди. Масалан, «Узозиқовқатсаноат» уюшмаси «Озиқовқат саноат» ва «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаларига ажратилиб юборилди. «Ўзмашсаноат» уюшмасидан «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси ажралиб чиқди. Энг катта йириклаштириш жараёнлари савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тизимларида рўй берди. «Узмаишийуюшма» таркибидаги 2372 объект (барча объектларнинг 34%), «Ўзбексавдо» таркибидаги 5535 объект (67,5%), «Ўзбекбирлашув» таркибидаги 6052 объект (30%) акциядорлик жамиятлари, ижара ва бошқа жамоа корхоналари таркибидан чиқарилиб, мустақил корхоналарга айлантирилди.

Ўтказилган таҳлилларнинг кўрсатишича, товар бозорларнинг ҳолати уларнинг монополлашув даражаларининг хилма-хиллиги билан характерланади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, келгусида монополиядан чиқариш ва рақобат сиёсатини амалга ошириш қўйидаги йўналишларда олиб борилади:

- иқтисодиётнинг базавий тармоқларини ва табиий монополиялар соҳасининг маҳсулотлари ва ва хизматлар бозори бўйича - бошқариш тизимини қайтадан ташкил қилиш жараёнларини давом эттириш, хўжалик юритиш ва бошқариш функцияларини бир-биридан ажратиш, маҳсулот ва хизмат турларининг нархини пасайтириш ва сифатини яхшилиш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида уни замонавийлаштиришни кўзда тутати;

- ишлаб чиқариш монополлашган бозорлар бўйича (рақобатни ривожлантириш мумкин ва мақсадга мувофиқ бўлган ишлаб чиқаришлар бўйича) - монополиядан чиқаришнинг тармоқ ва минтақавий дастурларини ишлаб чиқариш, монополист корхоналарнинг бозордаги фаолияти устидан назорат олиб бориш, монополиялашган бирлашмалар ва корхоналарнинг ташкил топишнинг олдини олиш, бозорга учун мавжуд тўсиқларни

камайтириш бўйича чоралар кўриш ва бозор иштириокчиларининг сонини кўпайтириш, фирром рақобатни чеклаш кўзда тутилади;

- рақобат ривожланган бозорлар бўйича - рақобатнинг эришилган даражасини доимий равишда ҳимоя қилиш мақсадида, ишлаб чиқаришни концентрацияланиш (корхоналарнинг қурилиши, қайта ташкил этилиши ва турли кўринишдаги битимлари) динамикаси ва мулкчилик шакилидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектларининг товар бозорларида ҳолатининг ўзгариши устидан кузатишларни амалга ошириш шулар жумласидандир.

Юқорида таъкидланганидек соғлом рақобат муҳитини шакллантириш бозор механизмини самарали фаолиятини кўрсатишда муҳим омил ҳисобланади. Ушбу вазифаларнинг долзарблигини англаган ҳолда, мамлакатимизда монополист корхоналар фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш, монополиядан чиқариш ва янги, ўзаро рақобатланувчи корхоналарни ривожлантириш, шунингдек, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўли орқали соғлом рақобат муҳитини шакллантириш бўйича амалий ишлар олиб борилади.

Иқтисодиётдаги рақобат ва монополия нисбатини тартибга солишда давлатнинг табиий монополиялар фаолиятини назорат қилиш борасидаги иқтисодий роли ҳам аҳамиятлидир. Табиий монополия - товар бозорининг ҳолати бўлиб, унга асос бўлган технологик хусусиятлар алоҳида товарларга бўлган талабни қондириш рақобат шароитларини яратилмасдан амалга ошади.

Табиий монополия ҳолатида тармоқ бир фирмадан иборат бўлиб, самарадорлик ишлаб чиқариш миқёсининг кенглиги ҳисобидан пайдо бўлади, ўртача харажатларни келажакда паст бўлиш эҳтимоли ҳисобга олинади. Агар бу соҳада бир нечта майда фирмалар мавжуд бўлса, уларнинг ўртача харажатлари юқори бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг табиий монополиялар тўғрисидаги қонунининг 4-моддасида қуйидаги соҳаларда табиий монополия субъектларининг фаолияти давлат томонидан тартибга солинади:

- нефть, нефть маҳсулотлари ва газни қувурлар орқали ташиш;
- электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш;
- йўловчи ва юкларни темир йўлларда ташиш;
- умумий эркин фойдаланиладиган электр ва почта алоқаси хизматлари;
- сув қувурлари ва канализация хизматлари;
- портлар ва аэропортларнинг хизматлари ва бошқалар. Табиий монополиялар тўғрисидаги қонун рақобатни ривожлантиришга, монополистик фаолиятни чеклантиришга йўналтирилмаган, чунки табиий монополиялар доирасида рақобат самара келтирмайди. Бу қонун табиий монополия субъектларини давлат томонидан тартибга солишга йўналтирилган.

Давлат томонидан монополияга қарши бошқарувни тартибга солишнинг устувор йўналишларидан бири бу мамлакатда рақобат муҳитини яратиш масаласидир. Чунки рақобат – бозорнинг асосий шarti, айтиш мумкинки унинг қонунидир. Рақобат бозор иқтисодиётининг ва умуман товар ҳўжалигининг энг муҳим белгиси, ривожлантириш усули ҳисобланади.

Давлат томонидан монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш эвазига мустақил товар ишлаб чиқарувчилар (корхоналар) ўртасидаги рақобат товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда сотиш, умуман иқтисодиётда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун шароит яратиб беради.

Монополияга қарши самарали сиёсатни амалга оширилиши натижасида юзага келган рақобат бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашишидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафликка эга бўлиш учун курашишни англатади.

Янги қонуннинг қабул қилиниши ҳозирги кунда рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи кўпгина алоҳида қонуности ҳужжатларидан иборат бўлган меъёрларнинг яхлитланишини таъминлаб беради.

Хулоса ўрнида айтганда, “Рақобат тўғрисида”ги қонун республикаимиз иқтисоди ётида эркин рақобат муҳитини янада ривожлантириш ҳамда ушбу соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг замонавий талабларига тўла мосдир.

Учинчи боб бўйича хулоса

Мазкур боб бўйича таҳлиллар шуни кўрсатадики, бир қатор тармоқ ва соҳаларда хусусийлаштириш қуйидаги сабабларга кўра самарали рақобатни ривожланишига сезиларли таъсир ўтказа олмаслиги мумкин:

- табиий монополиялар шароитида товарлар ишлаб чиқариш (сотиш)да рақобатнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги;
- баъзи ҳолларда хусусийлаштириш жараёнида рақобатбардош бўлмаган корхоналарнинг пайдо бўлиши ва пировард маҳсулотнинг қимматлашиб кетишига олиб келувчи корхона таркибидан бўлинмаларни ажратиб олишнинг самарали эмаслиги.

Натижада ҳозирги вазиятдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон бозорларида соғлом рақобат муҳитини барпо этишдаги муаммолар қуйидагилардан иборат деб таъкидлашимиз мумкин:

- давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг кучлилиги;
- тармоқлар тузилишидаги номувофиқликлар ва ишлаб чиқаришда юқори технологияларнинг етишмаслиги;
- соҳа ва тармоқлар миқёсидаги рақобатда адолат мезонларининг бузилиши;
- мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидаги суистеъмолликлари.

ХУЛОСА

Ушбу магистрлик диссертация ишининг турли боб ва параграфларида баён этилган тавсиялар ва таклифларга қўшимча равишда диссертант томонидан қуйидаги умумлашма ва якуний хулосалар қилинди:

1. Янги иқтисодий жараёнлар давлат томонидан тартибга солиш воситаларини глобаллашув шарт-шароитларига мослаштиришни талаб қилади. Давлатнинг миллий хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун қулай шароит яратиш, шунингдек, ўзгариб бораётган жаҳон хўжалик тизимида давлат томонидан монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш стратегик йўлни танлаб олиш зарурати биринчи ўринга чиқмоқда.

Шу муносабат билан, ҳар қандай давлатнинг вазифаси монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш билан бирга мазкур жараёнлардан фойдалана олиш маҳоратига эга бўлишдан иборат. Бу ҳолат амалда рақобат муҳити эволюциясида ўз ифодасини топмоқда, бу эса, глобаллашув шароитида рақобат сиёсатини амалга ошириш сифатида намоён бўлмоқда.

2. Давлатнинг монополияга қарши сиёсати, монополияга қарши бошқарув тизимини такомиллаштириш ва давлатнинг монополияга қарши бошқарув фаолияти самарадорлигини таъминлаш масаласи илмий-амалий жиҳатдан чуқур ўрганиладиган тадқиқотлар объектига айланган. Шу туфайли ҳозирги шароитда мамлакатимизда банкротликка учраб фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлаётган корхоналар жуда кўп. Бу эса, монополияга қарши бошқарувни тартибга солишни ҳам микро ҳамда макро даражада ўрганишни тақозо этади.

3. Монополияга қарши бошқарув тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилганда давлатнинг монопол корхоналари, табиий монопол корхоналар ва хусусий мулкчилик масалаларига аҳамият бериш лозим экан. Шу билан бирга тадбиркор фаолиятининг рақобатбардошлиги ва иккинчидан, унинг ишлаб чиқараётган (сотаётган) товари (иш, хизмати) рақобатбардошлиги муҳим ҳисобланади. Шунинг учун

табiiй монополияларнинг махсулотлари ва хизматларига нархлар ва тарифларни чуқур таҳлил қилиш, табiiй монополиялар субъектларининг махсулотлари ва улар кўрсатадиган хизматлар нархларининг асоссиз равишда ошириб юборилиши ва сифати пасайтирилишига йўл қўймаслик керак.

4. Республика бозорларида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, рақобатни ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш, бозорларни монополлаштиришга уринишларга йўл қўймаслик, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи монополияга қарши тартибга солиш тизимини такомиллаштириш мақсадида товар ва молия бозорларида устунлик мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда табiiй монополиялар субъектлари фаолиятини давлат томонидан самарали тартибга солиш ва назорат қилишни таъминлаш лозим.

5. Ислоҳотларнинг кейинги босқичида хусусий секторни ривожлантириш, корхоналар фаолиятини табiiй монополиядан ҳимоя қилишни кучайтириш, банкротликка тушган корхона ва монопол ташкилотларни қайта ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, рақобатни рағбатлантириш, рақобатни ва ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватловчи бозор тизими учун шароит яратиш, қолаверса, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишни таъминлаш ишлари амалга оширилди. Шундан келиб чиқиб, монополияга қарши сиёсатни янада такомиллаштириш, рақобатни ривожлантириш ҳамда хусусий мулкчилик объектларини давлат томонидан кафолатлаш тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

6. Монополияга қарши фаолиятни тартибга солиш, рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, табiiй монополия корхоналари фаолиятини назорат қилишни кучайтириш ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш борасидаги ишларни фаоллаштиришни самарали амалга ошириш учун тартибга солиб

бориладиган нархлар (тарифлар)га ва товарлар (ишлар, хизматлар) нархларига риоя этилишини назорат қилиш ҳамда рақобат муҳитини ривожлантиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳамда методологик базани ишлаб чиқиш талаб этилади.

7. Мамлакатимизда давлат томонидан монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш ва такомиллаштириш нафақат иқтисодий-ижтимоий, балки институционал ривожланиш хусусиятига ҳам эга. Институционал ривожланиш эса, бозор иқтисодиётига ўтиш ва унга мос келувчи бозор иқтисодиётининг энг асосий элементларидан ҳисобланган рақобатни ривожлантириш, рақобат муносабатларни муваффақиятли шакллантиришнинг асосий омилларидан биридир. Шунинг учун янги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, уларнинг самарали фаолиятини таъминлашда мазкур субъектлар фаолиятининг таркиби ва чегараларини белгилаб берадиган, уларнинг бошқа субъектлар билан муносабатларига аниқлик киритадиган, рақобат сиёсатини амалга оширадиган институционал асосларни шакллантириш ҳамда бозор талабларига мувофиқ такомиллаштиришнинг аҳамияти катта. Бу масала давлат томонидан монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш учун ҳам долзарб ҳисобланади.

8. “Рақобат тўғрисида”ги қонуннинг ҳаётга татбиқ этилишининг ўзига хос аҳамиятига шундаки, янги қонун товар ва молия бозорларида рақобатга доир муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг очик-ошкоралиги ва самарадорлигини ошириш ҳамда қонунчиликдаги мавжуд камчилик, номутаносибликларни, шунингдек, монополияга қарши тартибга солишдаги қарама-қаршиликларни бартараф этишга имкон беради. Шу билан бирга, рақобатни ривожлантириш ва ҳимоя қилиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун қулай бизнес муҳитини яратиш, ҳар хил бюрократик аралашувларни бартараф этиш, эркин бозор иқтисодиёти талаблари ва шартлари бажарилишини таъминлайди.

9. Рақобат институти бозорнинг самарали ривожланиши учун энг асосий омиллардан ҳисобланади. Умумий ҳолда бозор механизмини таклифнинг талабга қараб ўзгариши, мослашиши сифатида қараш мумкин. Унинг мазмуни тажриба ва хатолар йўли билан нархнинг умумий мувозанатига, ишлаб чиқарилаётган ва талаб қилинаётган маҳсулот балансига томон ҳаракат қилишдан иборат. Шунинг учун рақобат тамойилларига суянувчи ижтимоий бозор ҳўжалиги, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва ҳўжалик фаолияти эркинлигини кафолатлайди.

10. Бизга маълумки, монополияга қарши самарали тартиботларни ўрнатиш ҳамда монополистик фаолиятни чеклаш ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиб бориш, товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини ривожлантириш, рақобатнинг чекланишига йўл қўймаслик, товарлар (ишлар, хизматлар) бозорларида, биринчи навбатда, ички истеъмол бозорида ва реклама соҳасида ноҳалол рақобатчиликка чек қўйиш чора-тадбирларини амалга ошириш бозор тамойилларига асосланган иқтисодиёт ривожининг устувор йўналишларидан бири саналади. Шундан келиб чиқиб истиқболда қуйидаги йўналишларни ривожланиши мақсадга мувофиқ:

- акциядорлик жамиятларининг капиталлашуви ва рентабеллиги ўсишини рағбатлантириш ҳисобига фонд бозори, айниқса иккиламчи фонд бозорини ривожлантириш;

- бозор инфратузилмасини янада такомиллаштириш, савдоларни электрон шаклда ўтказишга тўлиқ ўтиш чора-тадбирларини тизимли асосда амалга ошириш;

- монополияга қарши самарали тартиботлар ўрнатиш ҳамда товар ва молия бозорларида рақобат чекланишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини амалга ошириш;

- монополистик фаолиятни чеклаш ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиб бориш;

- рақобат муҳитини ривожлантириш учун қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва зарур шарт-шароитларни шакллантириш, товарлар (ишлар, хизматлар) бозорларида, биринчи навбатда ички истеъмол бозорида ва реклама соҳасида ноҳалол рақобатчиликка чек қўйиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

- паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини чуқур таҳлил қилиш, уларни биринчи навбатда янги инвесторларни жалб этиш, модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлашга шароит яратиш;

- корхоналарда маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш;

- янги рақобатбардош маҳсулотни ўзлаштириш ҳисобига молиявий соғломлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- иқтисодий ночор корхоналарни таркибий қайта қуриш ва банкрот қилиш борасидаги функцияларни бажариш, судгача ва суд санациясини ўтказиш;

- банкрот корхоналарнинг ташқи бошқаруви бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

Тадқиқотнинг натижалари, илмий-услубий хулосалари ва амалий таклифлари Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг вилоят ҳудудий бошқармаларида давлатнинг монополияга қарши бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг назарий жиҳатларини маълум даражада бойитишга ҳисса қўшиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 1992 йил 8 декабрдаги 723-XII- сонли қонуни билан тасдиқланган.- Тошкент.: Ўзбекистон, 2012.

1.2. “Табиий монополиялар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни. –Тошкент.: “Шарқ”, 2007

1.3. “Рақобат тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2012.

1.4. Ўзбекистон Республикаси «Мулкчилик тўғрисида»ги қонуни. - Тошкент.: Ўзбекистон, 2011.

1.5. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмол бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонуни 27.12.1996й.

1.6. «Соф монополия тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 19.08.1999 й.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари,

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 28.10.2009 й. N ПП-1213 Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги инвестиция дастури тўғрисида.

III. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг асарлари

3.1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш: -Т.: Ўзбекистон, 2013, 64 –Б.

3.2. Каримов И.А. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган маърузаси. Халқ сўзи, 20.01.2012, №14(5414).

3.3. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади: – Т.: Ўзбекистон, 2011.

3.4. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.” – Президент Ислон Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь

3.5. Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир.” – Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

3.6. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.

3.7. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”, Т.:Ўзбекистон, 2009.- 56 б.

3.8. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Президент И.А.Каримовнинг иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида қилган маърузаси. – «Ишонч» газетаси, 2007 йил 30 август, № 139 (1356).

3.9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.; "Ўзбекистон", 2007. – 528 б.

3.10. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир. Халқ сўзи, 2007 йил 13 феврал. 3 бет.

3.11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.П. - Т. “Ўзбекистон”, 2003. – 320 б.

3.12. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент, Ўзбекистон, 2005, 43 б..

IV. Асосий адабиётлар

3.13. Агаев Р.Г. Антимонопольная деятельность государства: теоретические и организационно правовые аспекты. - М., 1994.

3.14. Азоев Г.Л. Конкуренция: анализ, стратегия и практика. М.Г Центр экономики и маркетинга, 1996.-с.208. Анисимов АЛ. Анализ макроструктурной перестройки экономики. М: Наука, 1999.-е. 128.

3.15. Антощенко А.В. Государственная антимонопольная политика. - М.1999.

3.16. Барышева А.В., Сухотин Ю.В., Богачев В.Н. и др. Монополизм и антимонопольная политика. М., 2003.

3.17. Варламова А.Н. Правовое регулирование конкуренции в России. - М.: ЮрИнфор, 2000.

- 3.18. Владиславлев Д.Н. Конкуренция и монополия на фондовом рынке. - М.: Экзамен, 2001.
- 3.19. Ворожейкин В.Н., Рыбаков Ф.Ф. Антимонопольное регулирование: федеральный и региональный аспекты. - СПб.: Питер, 1996.
- 3.20. Ворожейкин В.Н., Рыбаков Ф.Ф. Антимонопольное регулирование: федеральный и региональный аспекты. СПб., 2002.
- 3.21. Ворожейкин В.Н., Рыбаков Ф.Ф. Демонополизация экономики как элемент рыночных отношений, 1998.-с.78.
- 3.22. Гальперин В.М. и др. Микроэкономика. – М.: ИНФРА-М, 2003.
- 3.23. Гребнев Л.С., Нуреев Р.М. Экономика. Курс основ. – М.: Вита-Пресс, 2000.
- 3.24. Конкуренция и антимонопольное регулирование. Учебное пособие. Под редакцией Цыганова А.Г.//М.: Логос,1999. гл.1, 3.
- 3.25. Кушлин В.П., Волгин Н.А. Государственное регулирование рыночной экономики. Учебник для вузов // М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2001.-с. 255.
- 3.26. Лансков А.В., Окрепилова И.Г. Антимонопольная политика и регулирование естественных монополий. Экономическое поведение предприятий / Под ред. Ланского А.В.: Учебное пособие. СПб.: Изд-во СПбГУЭФ, 1997.-с.96.
- 3.27. Муродов Ч. Ўзбекистон иқтисодиёти эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасининг ривожланиши (аграр сектор мисолида). И.ф.д. илмий даражасини олиш учун дисс. – Т., 2001.
- 3.28. Ойкен В. Основы национальной экономики Пер. с нем. / Под общ. ред. В.С. Автономова, В.П. Гутника, К. Херрманн-Пиллата. М.: Экономика, 1996.
- 3.29. Окрепилова И.Г. Государственная поддержка малого предпринимательства в России // Экономические проблемы становления рыночных отношений. СПб: Изд-во СПбУЭФ, 2000.

3.30. Окрепилова И.Г. Монополии и антимонопольное регулирование. СПб: Изд-во СПбУЭФ, 1999. с.7-35.

4.1. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: Мехнат, 2005. 189-190-б.

4.2. Ходиев Б.Ю., Амонбоев М. “Бозор инфратузилмаси” фанидан маърузалар матни – Т.: 2010.

4.3. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Ғофуров У.В. - Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва қучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. – 2010. – 340 бет.

4.4. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Ғофуров У.В. - Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

3.31. Шодмонов Ш.Ш., Алимов Р.Х., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. Т.: «Молия», 2009, 380-б.

V. Қўшимча адабиётлар

5.1. Agnew S. Competition law.-l., 2009.

5.2. Матто Е.А. A manager's guide to the antitrust laws.-n.y., 2005.

5.3. Frazer T. Monopoly, competition and the law.-n.y., 2008.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

6.1. “Биржа эксперт” журнали, 2008-2012 йил сонлари.

6.2. “Бозор, пул, кредит” журнали 2008-2012 йил сонлари.

6.3. “Жамият ва бошқарув”, 2008-2012 йил сонлари.

6.4. “Иқтисодиёт ва таълим” журнали, 2008-2012 йил сонлари.

6.5. “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси” журнали, 2008-2012 йил сонлари.

6.6. “Халқ сўзи” газетаси, 2008-2012 йил сонлари.

6.7. А.В. Бетин. Проблемы развития социальной инфраструктуры сельских территорий России. ISSN 1810-0201. Вестник ТГУ, выпуск 1 (69), 2008.

VII. Интернет сайтлари

7.1. www.gov.uz

7.2. www.press-service.uz

7.3. www.cfin.ru

7.4. www.cer.uz

7.5. www.businesspress.ru